

Т. МУХТОРОВ

**РАДИОМЕТЕОРОЛОГИЯ
АСОСЛАРИ**

Тошкент 2006

Ўкув қўлланмада радиометеорология асослари предметини ташкил этувчи асбобларнинг систематик тавсифи, булутлар турини аниқлаш, булут ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни кузатиш, радиолокацион метеорологик ахборотларни тўплаш ва тарқатиш тизими, шунингдек RADOB коди бўйича телеграммаларни тузиш усуллари баён этилган. Бунда асосий эътибор атмосферани кузатишнинг замонавий тизимини баён этишга қаратилган.

Қўлланма гидрометеорология коллежи ўқувчиларига мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	5
I боб. РАДИОЛОКАЦИЯ АСОСЛАРИ.	6
1.1. Радиометеорологиянинг предмети ва вазифалари.	6
1.2. Радиотўлқинлар ва уларнинг характеристикалари.	7
1.3. Атмосферада радиотўлқинларнинг тарқалиши.	8
II боб. МЕТЕОРОЛОГИК РАДИОЛОКАЦИЯ КУЗАТУВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ	9
2.1. Метеорологик радиолокаторларнинг асосий хусусиятлари..	9
2.2. Метеорологик радиолокаторнинг индикаторлари.	13
2.3. Метеорологик нишондан сочиладиган эффектив сирт ва уни аниқловчи омиллар.	15
2.4. Радиолокацион қайтарувчанлик ва уни аниқловчи омиллар.	18
2.5. Метеорологик радиолокаторларни жойга ўрнатиш.	20
2.6. Радиолокацион кузатув муддатлари.	21
2.6.1. Метеорологик радиолокаторнинг штормогоҳлантириш режимида ишлаши.	22
III боб. РАДИОЛОКАЦИОН АХБОРОТЛАРНИНГ МЕТЕОРОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ . .	24
3.1. Яқин зонадаги булутларнинг радиолокацион ахборот таҳлили.	24
3.2. Булутлик турини аниқлаш.	27
3.3. Узоқ зонадаги булутларнинг радиолокацион ахборот таҳлили.	29
3.4. Хавфли ҳодисаларни чеклаш. Булут тизимининг турини аниқлаш.	30
3.4.1. Тўп-тўп ёмғирли булутлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳодисаларнинг олдини олиш.	30
3.4.2. Ёғинлар жадаллигини ўлчаш.	32
IV боб. БОШЛАНГИЧ РАДИОЛОКАЦИОН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ МЕТЕОРОЛОГИК ТАЛҚИН ЭТИШ.	33
4.1. Метеорологик радиолокацион ахборотларни тасвирлаш учун бланкалар.	33
4.2. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда узоқ зонадаги мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси.	36
4.2.1. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда Ф–1 бланкага узоқ зонадаги бошлангич маълумотларни тушириш	37
4.2.2. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда Ф–2 бланкага узоқ зонадаги бошлангич маълумотларни тушириш. . . .	37
4.3. Яқин зонадаги мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси.	38

4.3.1. Яқын зонадаги бошланғич маълумотларни Ф–1 бланкага тушириш.	39
4.3.2. Яқын зонадаги бошланғич маълумотларни Ф–2 бланкада тасвирлаш.	39
4.4. Йилнинг илиқ даврида ҳар соатлик муддатларда мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси.	40
4.4.1. Йилнинг илиқ даврида ҳар соатлик муддатларда Ф–1 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш.	40
4.4.2. Йилнинг илиқ даврида ҳар соатлик муддатларда Ф–2 бланкага бошланғич ахборотларни тасвирлаш.	40
4.5. Йилнинг совуқ даврида асосий ва ҳар соатли муддатларда мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси.	41
4.5.1. Йилнинг совуқ даврида Ф–1 ва Ф–2 бланкаларга бошланғич маълумотларни тушириш.	42
4.6. Йилнинг ўтиш даврида асосий ва ҳар соатли муддатлардаги мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси.	43
4.7. Йилнинг илиқ даврида штормохлантириш режимида мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси.	44
4.7.1. Йилнинг илиқ даврида штормохлантириш режимида Ф–1 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш.	44
4.7.2. Йилнинг илиқ даврида штормохлантириш режимида Ф–2 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш.	45
V боб. РАДИОЛОКАЦИОН МЕТЕОРОЛОГИК АХБОРОТЛАРНИ ТАРҚАТИШ	50
5.1. RADOB коди.	50
5.2. Код тизими.	51
5.3. Рақам ва ҳарфларда ифодаланган белгилар маъноси.	51
5.4. RADOB коди бўйича телеграммаларни тузиш қоидалари.	64
5.4.1. YYGGg гурӯхини кодлаш қоидалари.	64
5.4.2. Метеорологик радиолокатор таъмирланаётганда ёки радиоэхо йўқлигига кодлаш қоидалари.	65
5.4.3. N _e N _e W _R H _e I _e гурӯхини кодлаш қоидалари.	65
5.4.4. N _e N _e a _e D _e f _e гурӯхини кодлаш қоидалари.	66
5.4.5. pdFUU гурӯхини кодлаш қоидалари.	66
5.4.6. C _r C _h h _r h _r ва H _r H _r W _R I _e гурӯхини кодлаш қоидалари.	66
5.4.7. Кодлашнинг умумий қоидалари.	67
VI боб. РАДИОЛОКАЦИОН КУЗАТУВ МАЪЛУМОТЛАРИНИ КОДЛАШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР	68
1-амалий машғулот.	68
2-амалий машғулот.	74
АДАБИЁТЛАР	83

СҮЗ БОШИ

Барча Миллий метеорологик ва гидрологик хизматларнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири - ҳаёт ва мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мамлакат социал-иқтисодий ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиш ниятида давлат ҳокимияти идоралари ва ахолини ўз вақтида об-ҳаво прогнозлари, керакли огоҳлантиришлар билан таъминлашдир. Инсон фаолиятининг барча турлари бевосита ёки билвосита об-ҳаво шароитига боғлик. Ҳозирги вақтда об-ҳаво маълумотларига амал қилмай иш юритаётган ҳалқ хўжалигининг бирорта соҳаси бўлмаса керак.

Ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида - авиация, транспорт (темир йўл ва автомобил) хавфсизлиги ва бетўхтов ишлаларини таъминлашда, маданий-оммавий, спорт, социал-маиший чора-тадбирлар ҳамда ахоли дам олишини ташкил этишда, алоқа хизмати, тиббиёт ва қурилиш соҳасида, энергияни узатишда, ўрмонлардаги ёнфиннинг олдини олишда, чорвадорларга хизмат кўрсатишда, балиқчилик хўжалигида ва бошқаларда об-ҳаво маълумотларидан кенг кўламда фойдаланилади.

Метеорологик шароит таъсирини бевосита ёки билвосита доимо ёки вақтинча сезмайдиган ҳалқ хўжалигининг бирорта соҳаси амалда йўқдир.

Иқлимий тавсифлар ва прогнозлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун энг яхши экинни танлаш ва экиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишнинг энг мақбул муддатини аниқлашда, пировардида ахолини озиқ-овқат билан таъминлашда зарурдир.

Хавфли об-ҳаво ҳодисалари: кучли ёғинлар, сел-тошқинли ҳодисалар, кучли шамол, дўл, момоқалдироқ, тупроқда ва ҳавода совуқ тушиши ҳақида тезкорлик билан ўз вақтида огоҳлантиришлар ҳалқ хўжалиги ташкилотларига табиатнинг фалокатли ҳодисаларидан бўладиган заарнинг олдини олиш бўйича чораларни кўриш имконини беради.

Бундай ҳодисаларни ўрганиш ва улардан келадиган заарнинг олдини олиш, ҳеч бўлмаганда камайтириш ҳалқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим масаладир.

Ҳозирги кунда кишилар ўзларининг амалий фаолиятини кутилаётган об-ҳаво шароитига қараб режалашга ҳаракат қиласидар.

«Радиометеорология асослари» курсини ўрганиш давомида талабалар метеорологик радиолокаторларнинг асосий хусусиятлари, атмосферада радиотўлқинларнинг тарқалиши, булатлик турини аниқлаш, ёғинлар жадаллигини ўлчаш, RADOB коди бўйича телеграммаларни тузиш қоидалари, радиолокацион ахборотларнинг метеорологик таҳлил қилиш тамойиллари ҳақидаги билимга эга бўладилар.

«Радиометеорология асослари» фанини «Атмосфера физикаси» ва «Гидрометеорология» ихтисослиги бўйича таълим олаётган ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши, булатлар турини аниқлаш, булат ва у билан боғлик бўлган ҳодисаларни кузатиш каби об-ҳаво сирларини билиб олишда муҳим ўрин тутади.

I. РАДИОЛОКАЦИЯ АСОСЛАРИ

1.1. Радиометеорологиянинг предмети ва вазифалари

Радиометеорология – радиофизика ва метеорология фанларининг чегарасида жойлашган предмет саналади. Бу фаннинг асосий мақсади атмосферада бўлаётган жараёнларнинг радиотўлқинлар тарқалиш асосида ўрганишдир. Ушбу жараёнларнинг ўрганилиши бир қатор усуллар ёрдамида ўтказилади. Лекин булар ичida радиолокация усули муҳим ўринни эгаллайди. Аслида ушбу усул бошқа аэрологик усуллардан унча фарқли эмас, лекин унинг бир қатор қулайлик томонлари мавжуд. Булар атмосфера жараёнларни узоқ масофадан ўрганиш, ундан ташқари кузатилаётган катта миқёсли ҳодисаларни кўришдан иборатdir.

Радиолокация усулининг асосий моҳияти шундан иборатки, кузатилаётган объектларни ва уларнинг координаталарини радиоэҳо ёрдамида аниқлаш имконини беради. Радиолокацион метеорологияда «объект» атамаси атмосферада ёки унинг чегарасида кузатиладиган ва ўзидан электромагнит тўлқинларини қайтарадиган бирорта об-ҳаво ҳодисасига (булут, ёғин, дўл, момақалдириқ ва х.) нисбатан қўлланилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу объектларнинг электромагнит тўлқинларини қайтариш хусусиятлари қандай бўлишидан қатъий назар, уларни «метеонишон», яъни метеорологик нишон деб аталади.

Радиолокацион метеорологияни амалда қўлланиши ўз ичига қуйидаги муаммоларни қамраб олади: биринчидан метеообъектларнинг радиэхосини олиш техник усуллари ва олинган маълумотларнинг физиковий талқин қилиш, ундан ташқари, атмосферада радиотўлқинларга метеорологик ҳодисаларни таъсири.

Илк бор Иккинчи жаҳон уруш вақтида радиолокация усуллари ёрдамида атмосфера жараёнлари ўрганила бошланган. Фан таррақиёти ва техниканинг ривожланиши радиолокацион метеорологиянинг ҳам ривожланишига олиб келди. Шу йиллар ичida бир неча тур радиолокатор ўзгарди. Шуларнинг ичida Ураган, МРЛ-1, МРЛ-2, МРЛ-5, МРЛ-6 ва хоказолар бор. Охирги вақтда радиолокацион кузатишларнинг автоматизациясига кўпроқ эътибор бериляпти.

Ҳозирги вақтда радиолокацион метеорология усулидан халқ хўжалиги иқтисодининг кўплаб тармоқларида кенг фойдаланиб келинмоқда, жумладан, қишлоқ хўжалигида, авиацияда ва асосан қисқа муддатли об-ҳаво прогнозларини ишлаб чиқишида.

Радиолокацион кузатувлар ёрдамида айрим майдонларда ёғинларнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар бирмунча гидрологик масалаларни ечишга имкон яратади. Дарёларнинг сув сарфини аниқлаш, тоғли ҳудудларда бўлиши мумкин бўлган сел тошқинлари ҳажмини аниқлаш ва қачон кузатилиши мумкинлигини олдиндан прогноз қилиш каби бир қатор амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг ечимини топиш ана шундай гидрологик масалалар хисобланади.

1.2. Радиотұлқынлар ва уларнинг характеристикалари

Радиотұлқынлар – бу электромагнит тұлқынларининг бир тури саналади.

Радиотұлқынлар вакуумда 300000 км/сония тезликта тарқалади. Лекин радиолокация ёрдамида ечиладиган күплаб масалаларда атмосферада радиотұлқынларнинг тарқалиши, унинг бўшлиқда (вакуум) тарқалишига нисбатан ажралиб туришини инобатга олиниш зарур. Чунки турли хоссага эга бўлган ҳаво массалари электромагнит тұлқынлари тарқалиш тезлигининг ўзгаришига олиб келади. Бу электромагнит тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги ўзгариши жуда мухимдир, чунки улар радиотұлқынларнинг синишига ва йўналишининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Уларга асосан иккита хусусият тегишли: биринчиси тебраниш (электр ва магнит майдонларни ўзаро алмашуви) катталиги ва радиотұлқиннинг узунлиги:

$$c = f\lambda \quad (1.1)$$

бу ерда c - ёруғлик тезлиги, f - тебраниш катталиги ва λ - тұлқиннинг узунлиги.

Атмосферада радиотұлқынларнинг тарқалиши уларнинг узунлигига боғлиқ. Метеорология объектларни сантиметр диапазонли радиотұлқынлар орқали ўрганилади.

Радиотұлқынлар атмосферада узунлигига қараб ҳар хил тарқалиш хусусиятларига эга. Узун тұлқынлар (метрли диапазонга тегишли) атмосферада узок масофагача тарқалиши мумкин. Ернинг думалоқлиги уларга таъсир этмайди. Ўрта ва қисқа тұлқынлар (десиметр ва сантиметр – диапазонларга тегишли) фақат тұғри йўналишда тарқалади. Бунда Ернинг думалоқлиги уларнинг тарқалишига таъсир этади. Лекин тарқалиш жараёнида улар тұғри йўналиб ионосферага тұқнашади ва ундан яна Ер юзига қайтади.

Радиотұлқынлар тарқалиш жараёнида атмосфера хусусиятлари туфайли уларнинг *ютилиши* кузатилади. Ютилиш – бу радиотұлқин тарқалиш жараёнида энергиясининг йўқотилиши дегани.

Радиолокациянинг асосий тамойили, бу юборилган радиотұлқинни метообъектга урилғандан кейин қайтган қисмини қабул қилишдан иборат. Ўз -ўзидан кўриниб турибдиги ютилиш натижасида юборилган энергиянинг фақат оз қисмини қабул қилиши мумкин.

Радиотұлқынларнинг ютилиши атмосферанинг мавсумий ўзгарувчанлик хусусиятига боғлиқ бўлади, бу радиотұлқынларнинг тарқалишига ҳавонинг таъсири деб тушунилади. Атмосферада мавсумга қараб намлиқ, ҳарорат ва чанг миқдори ўзгаради. Ушбу ҳодиса ютилишнинг мавсумий ўзгарувчанлигини олиб келади. Масалан, совук қиши кунлари радиотұлқынларни узок масофага йўналиши ҳар хил тўсқинларнинг камайиши ҳисобига кучаяди, лекин ёз мавсумида эса камаяди.

Ернинг атмосфераси бўлмаганида радиотўлқинлар тўғри йўналишда тарқалар эди. Лекин атмосферанинг синиш кўрсатгичи борлиги учун радиотўлқинлар қийшайиб кетади. Бу ҳодисани *рефракция* дейилади. Атмосферанинг синиш кўрсатгичи атмосферада бўлаётган жараёнларга ва унинг бир хил бўлмаган диэлектриклигига боғлиқ. Атмосферанинг турғун ҳолатларида синиш кўрсатгичи вертикал бўйича унча ўзгармайди. Шунинг учун тарқалиш масофаси ҳам кам ўзгаради.

Атмосферанинг синиш кўрсатгичи ва унинг диэлектрик ўтказувчанлиги радиотўлқинларнинг сантиметрли диапазонда ҳаво босими, ҳарорати ва намлиги билан аниқланади. Атмосферанинг бу параметрлари баландлик бўйича камайиб боради ва мос равища унинг синиш кўрсатгичи ҳам камаяди. Яна шу ҳам маълумки, муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги қанча катта бўлса, радиотўлқинларнинг тарқалиш тезлиги шунча кам бўлади. Демак, ҳаводаги диэлектрик ўтказувчанликнинг баландлик бўйича камайиб бориши туфайли радиотўлқинларнинг тарқалиш тезлиги ортиб боради. Бу эса, радиотўлқин траекториясининг диэлектрик ўтказувчанлиги катта бўлган томонга оғиши, яъни Ер сиртига томон қийшайишидир.

Радиотўлқинларнинг стандарт (нормал) атмосферадаги оғишини *нормал рефракция* дейилади. Бунда тўлқиннинг эгрилик радиуси 25000 км га тенг, яъни Ернинг эгрилик радиусига нисбатан 4 марта катта.

Лекин айрим вақтларда радиотўлқинлар тарқалиш масофаси негадир узокроқ бўлади. Бу ҳолатни *аномал рефракция* дейилади. Аномал рефракция атмосфера «волновод»ларини яратади. Ушбу ҳолатда радиотўлқинлар ҳаддан ташқари узокроқ масофани босиб ўтишади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдикি, волноводларнинг яратилиши атмосфера ҳавосининг хусусиятларига боғлиқ.

1.3. Атмосферада радиотўлқинларнинг тарқалиши

Радиотўлқинларнинг йўналиши вақтида улар ҳар хил обьектларга дуч келади (чанг, сув, муз заррачаси ва х.). Улар билан тўқнашгандан кейин тўлқинлар жисмнинг синиш кўрсатгичи туфайли ҳар томонга тарқалади. Демак шу жараён пайтида радиотўлқинлар энергияни йўқотади. Ушбу ҳолат радиолокацияни ишлатишга ўзининг таъсирини ўзказади.

Юборилаётган радиотўлқинлар энергиясининг қайтиб келган энергия билан боғлайдиган *радиолокация тенгламаси* қўйидаги кўринишда бўлади:

$$P_\sigma = \frac{P_t A_p^2 \sigma_t}{9\pi\lambda^2 r^4} \quad (1.2)$$

бу ерда P_σ - тўлқинларнинг қабул қилинган энергияси қуввати, σ_t – метеообъектларнинг орқага тарқалиш кесимининг майдони, r - обьектгача бўлган масофа, P_t - тўлқинларнинг юбориш энергияси қуввати, A_p – апертура (антенна кесимининг майдони). Тенгламадан кўриниб турибдики қайтиб келган тўлқиннинг қуввати масофага боғлиқ ҳолда жуда тез камаяди.

II боб. МЕТЕОРОЛОГИК РАДИОЛОКАЦИЯ КУЗАТУВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

2.1. Метеорологик радиолокаторларнинг асосий хусусиятлари

Ҳозирги пайтда атмосферани дистацион усуллар ёрдамида ўрганиш борасида кўпроқ метеорологик радиолокатор усули ривож топди. *Метеорологик радиолокаторлар* (МРЛ) булатлик ва ёғин, улар билан боғлиқ бўлган об-ҳавонинг хавфли ҳодисалари ҳақидаги ахборотларни олиш учун мўлжалланган. Қисқа муддатли об-ҳаво прогноз хизматларида, авиацияни метеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизматида, гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир этиш хизматида МРЛ кенг қўлланилади. Бу усул асосида булатлик, ёғин ва бошқа атмосферик жараёнларнинг заррачаларида электромагнит тўлқинларининг сантиметри ва миллиметрли диапазонларида сочилиш ҳодисаси ётади.

Метеорологик радиолокаторлар сутканинг исталган вақтида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида тропосфера ҳолатини амалда узлуксиз равишда кузатув олиб бориш, метеорологик тузилмаларнинг вертикал ва горизонтал кесимларини олиш, булатларнинг чегарасини аниқлаш, ёғаётган ёғинларнинг жадаллигини ўлчаш, метеорологик тузилмаларнинг жадаллиги ва ривожланиш тенденциясини баҳолашга имкон беради. Тропосферанинг термодинамик ҳолатини ўлчанган маълумотлар бўйича билвосита баҳолаш мумкин.

Ҳар қандай радиолокация тизими қўйидаги техник тавсифлар (параметрлар) билан хусусиятланади:

Узатиши (иичи) частотаси f – узатгичда генерация қилинадиган СВЧ тебранишларини герцларда (Гц) ёки мегагерцларда ($\text{МГц} = 10^6 \text{ Гц}$) ифодаланган частотаси. Узатиши частотасини танлашда қайтарадиган объектларнинг хоссалари, унинг координаталарини ўлчашда талаб қилинадиган аниқликни таъминлаш, аппаратура ўлчамлари, СВЧ тебранишларини кучайтириш ва қайта ўзгартириш шароитлари каби асосий омиллар инобатга олинади. Метеорологик радиолокаторларда тўлқин узунлиги (λ) 10 дан 1 см гача ($\lambda = c/f$, бу ерда c радиотўлқиннинг тарқалиш тезлиги $3 \cdot 10^8 \text{ м/сония}$) бўлган мос частота диапазонидан (3000 дан 30000 мГц гача) фойдаланилади.

Зондлаш импульс узоқлиги τ – метеорологик радиолокаторнинг узатгичида СВЧ тебранишларини генерация қилиш учун кетган вақт оралиғи. Турли метеорологик радиолокаторларда τ қиймати 0,5 дан 4 мкс гача ўзгаради.

Импульснинг тақрорийлик частотаси F_i – метеорологик радиолокатор антеннасидан 1 сонияда тарқалган зондлаш импульсларининг герцлардаги (Гц) миқдори. Одатда, F_i нинг қиймати 200 дан 1000 Гц гача ўзгаради.

Импульснинг тақрорийлик даври $T = 1/F_i$ – икки кетма-кет зондлаш импульслари ўртасидаги сонияларда ифодаланган вақт интервали. T нинг қиймати шундай бўлиши керакки, бу даврда метеорологик радиолокаторнинг

узоқлик чегарасида жойлашган ҳар қандай нишондан қайтган сигнал навбатдаги зондлаш импульси нурланишидан олдин МРЛ қабул қилгичига етиб келсин.

Импульс қуввати P_i – импульсни генерация пайтдаги узатгич қуввати. Одатда метеорологик радиолокаторда P_i қиймати юзлаб кВт ни ташкил этади. Узатгич СВЧ энергиясини жуда қисқа импульс күринишда генерация қилиб, кейин навбатдаги сигнални юборгунча вақт интервалда узилади. Шу сабабли МРЛ тарқатаётган узатгичнинг ўртача қуввати (\bar{P}) , импульс қувватидан сезиларли кам бўлади ва одатда 100–200 Вт дан ошмайди.

Қабул қилгич сезгирилиги P_{\min} – қабул қилгичга кирадиган минимал радиоэхо жадаллиги. Радиолокация қабул қилгичларнинг сезгирилиги ваттларда (Вт) ифодаланади. Метеорологик радиолокаторлар қуввати 10^{-12} – 10^{-14} Вт бўлган сигналларни қабул қилишга қодир.

Антенна йўналганлик диаграммаси – радиолокация станцияси нур тарқатиш қувватининг бурчаклар бўйича тақсимоти. У метеорологик радиолокаторнинг бурчак координаталари бўйича нур ўтказиш ўзгарувчанлигини аниқлайди. Йўналганлик диаграммасининг асосий хусусияти нур кенглиги ёки, тўғрироғи, *йўналганлик диаграммасининг кенглиги* θ ҳисобланади (2.1-расм).

Антеннанинг марказидан ўтказилган икки чизиқ орасидаги бурчакнинг (θ) қиймати антеннанинг ўлчами ва ишчи тўлқин узунлигига (λ) боғлиқ бўлади. Метеорологик радиолокаторларда қўлланиладиган параболоид кўринишдаги айланадиган антенналарда, θ ни (градусларда) тахминан куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\theta = 70 \frac{\lambda}{D}, \quad (2.1)$$


бу ерда D – параболоид диаметри.

Антеннанинг қуввати бўйича кучайши коэффициенти G – антеннанинг йўналганлик хоссасини хусусиятлайдиган параметр. Ўлчамсиз катталик G радиолокатор антеннасининг ўлчамлари билан боғлиқлиги қўйидагича ифодаланади:

$$G = \gamma \frac{4\pi A}{\lambda^2} = \gamma \left(\frac{\pi D}{\lambda} \right)^2, \quad (2.2)$$

бу ерда A – антenna юзаси, D – унинг диаметри, γ – параболик антенналар учун 0,4 – 0,5 га teng бўлган фойдали таъсир коэффициенти.

Кўпчилик метеорологик радиолокаторларда антеннанинг кучайши коэффициентининг G қиймати 10^4 – 10^5 чегарада ётади.



2.1-расм. Йўналганлик диаграммаси.

Ҳозирги пайтда гидрометеорология хизмат тармоғларида асосан МРЛ-1, МРЛ-2, МРЛ-4, МРЛ-5 ва МРЛ-6 русумли метеорологик радиолокаторлардан фойдаланилади. МРЛ-5 ва МРЛ-6 русумли метеорологик радиолокаторлар асосан транзистор ва микросхемалар билан жиҳозланиб қурилган. Улардан айримларининг асосий тактика-техник маълумотлари 2.1 жадвалда келтирилган.


2.1 жадвал

МРЛ-1, МРЛ-2 ва МРЛ-5 ларнинг асосий тактика-техник маълумотлари

Параметрлар	Белгиси	Бирорлиги	МРЛ-1		МРЛ-5	
			1- канал	2- канал	МРЛ-2	1- канал
Тўлкин узунлиги	λ	см	0,8	3,2	3,2	3,2
Узатиш частотаси	f	МГц	37 500	9375	9375	9595
Импульс куввати (камрок)	P_H	кВт	65	200	200	2970
Импульс узоклиги	τ	мкс	0,45	1,2	1,2	750
Импульс частотаси	F_H	Гц	600	600, 300	600, 300	500, 250
Кабул килгич сезгирлиги	P_{MIN}	Вт	$3 \cdot 10^{-12}$	$1,6 \cdot 10^{-13}$	$6,3 \cdot 10^{-14}$	$2,5 \cdot 10^{-14}$
Антenna диаметри	D	м	3,0	3,0	3,0	4,5
Йўналганик диаграмма кенклиги	Θ	градус	0,2	0,74	0,74	0,5; 1,5
Антеннанинг кучайиш коэффициенти	G		$6 \cdot 10^5$	$4 \cdot 10^4$	$4 \cdot 10^4$	$8 \cdot 10^4$
Тўлкин узатгичда йўқотилиш: кабул узатиш	k $10 \lg k$	дБ	Нормаланмаган Нормаланмаган	0,16 8	0,16 8	0,25 6
Узоклик микёс индикатори:						
доириали обзор (ИКО)	R	км	25, 100, 300	25, 100, 300	25, 50, 100, 300	25, 50, 100, 300
«узоклик – баланд» (ИДВ)	H/R	км	5/10, 10/20	20/40, 40/80	125/25, 25/50, 50/100	125/25, 25/50, 50/100
А индикатори	R	км	0,5, 1, 5, 10	40, 100, 300	иҳтиёрий	иҳтиёрий

2.2. Метеорологик радиолокаторнинг индикаторлари

Булут ва ёгинларни жойлашган зонаси, шунингдек, улар қайтарган сигналларнинг ўлчанган қувватини кўргазмали тассавур этиш учун махсус радиолокация индикаторларидан фойдаланилади. Энг оддий индикатор, *A* туридаги индикатор саналади (2.2-расм).




2.2-расм.
A туридаги
 индикатор.
 1 – бирламчи
 оғиш,
 2 – радиэхо.

Бу индикатор электрон-нур трубкадан иборат бўлиб, экранда горизонтал нур ёритилади. Экранда нурнинг ёйила бошлиши метеорологик радиолокаторнинг зондлаш импульсини тарқалиш пайтига синхронизация қилинган. Узатгичдан юбориладиган энергиянинг бир қисми радиолокаторнинг қабулқилгичига тушади ва экранда бирламчи оғиш деб аталарадиган, вертикал бўйича нурнинг кескин кўтарилиши (1) кузатилади. Метеообъектдан қайтган импульс радиолокаторга етиб келган пайтда, экранда вертикал бўйича нурнинг яна кескин кўтарилиши (2) кузатилади, яъни иккиламчи оғиш (радиэхо) деб аталади. Объектгача бўлган масофани экрандаги ана шу икки вертикал оғиш орасидаги сарфланган вақт бўйича аниқланади. Индикатор экранидаги қулайлик яратиш учун нишонгача бўлган масофани кўрсатувчи масштабли белгилар қўйилади.

Индикатор экранидаги радиэхо (иккиламчи оғиш) амплитудаси қабул қилинган сигнал қувватига $\overline{P_{np}}$, бирламчи ва иккиламчи оғиш ўртасидаги сигнал сатҳи эса қабулқилгич мосламаси, яъни ўзининг шов-шув қувватига P_{us} мутаносиб (пропорциональ) бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, $\overline{P_{np}}/P_w$ нисбатнинг децибеллардаги қийматини радиолокацион қайтарувчанликни Z ўлчашда фойдаланилади.

Метеорологик радиолокаторларда, шунингдек, доирали обзор (ИКО) ва «узоқлик – баландлик» (ИДВ) индикаторлари ҳам қўлланилади. 2.3-расмда доирали обзор индикатори кўрсатилган.




2.3-расм. Тўп-тўп ёмғирли булатларнинг доирали обзор индикатор экранидаги радиоэхो тасвири.

Доирали обзор индикаторида радиоэхо тасвири экрандаги нурни унинг марказига нисбатан бурилиши натижасида содир бўлади. Албатта, нурнинг экраннинг марказига нисбатан бурилиши метеорологик радиолокаторнинг азимут бўйлаб синхрон айланишига мос тушади. Экранда нурнинг ёйила бошлиши, худди A туридаги индикатор каби метеорологик радиолокаторнинг зондлаш импульсини тарқалиш пайтига синхронизация қилинган. Экран ёрқинлигининг нур бўйлаб ўзгариши эса, радиоэхо сигналининг узоқлик масофаси ўзгаришига мутаносиб бўлади. Антеннанинг доиравий айланиши натижасида обзор соҳасининг горизонтал кесимида радиоэхонинг тақсимланиш маълумотини олиш мумкин.

«Узоқлик – баландлик» индикаторлари (2.4-расм) «баландлик – горизонталь узоқлик» координаталари бўйича радиоэхонинг

тақсимланишини тасвирлайди. Бу координаталарда радиоэхони тасаввур этиш учун метеорологик радиолокаторнинг антеннаси вертикал текислик бўйича бурилиши шарт, яъни радионур бурчагини горизонтга нисбатан ўзгартириш керак. Антенна пастга тушганда ёки юқорига кўтарилигандан, яъни жой бурчаги ўзгарганда «узоқлик – баландлик» индикатор экранидаги нур ҳам мос равишда унинг ҳаракатини такрорлади ва шу тариқа унда радиоэхо тасвирини ҳосил қиласди. Бундай индикаторлардан булутларнинг вертикал структурасини аниқлаш ва унинг баландлигини ўлчаш учун фойдаланилади.



2.4-расм. Тўп-тўп ёмғирли булутларнинг «узоқлик – баландлик» индикатор экранидаги радиоэхо тасвири.

2.3. Метеорологик нишондан сочиладиган эффектив сирт ва уни аниқловчи омиллар

Радиолокатор ингичка тутамдан иборат (зондлаш нури) қисқа импульсли юқори частота электромагнит нурларини атмосферага юборади. Агар атмосферада электромагнит тўлқинлари юборилгандан, унинг электрик

хусусиятлари (электроўтказгич, диэлектрик доимийси ва магнит ўтказувчанлик) атрофдаги ҳаво электрик хусусиятларидан фарқ этса, бу объект радиолокация учун нишон бўлиши мумкин.

Юқори частотали электромагнит нурлари нишонга етганда, объектнинг сирт қатламида ток қўзғотади ва у тескари йўналишда нурланишни генерация этади. Нишон бу ҳолатда электромагнит энергиясига иккиласмачи нурлатгич сифатида хизмат қилади.

Объектга тушган нур билан ундан қайтган нур нисбатининг жадаллиги сочилиш эфектини аниқлади. Сочилиш эфекти объектнинг шакли ва геометрик ўлчамлари, унинг диэлектрик ўтказувчанлиги, шунингдек, тушган нур ва объект ўлчамларидаги тўлқин узунлигининг нисбатига боғлик. Радиолокация станцияси томон йўналган сочилиш эфекти нишондан қайтган акс нур сочилиш эффектив майдони (σ) билан хусусиятланади. У майдон ўлчам катталигига эга бўлиб, квадрат метр ёки квадрат сантиметрларда ифодаланади.

Метеорологияда радиолокацияни тадбиқ этиш усули айнан радиотўлқинларнинг сантиметрлик диапазонида булут ва ёғинларнинг ёмғир томчиси, дўл, кристал, қор ва уларнинг турли хил биргаликда кўринишидаги заррачаларидан сочилиш эфектига асосланган.

Агар икки шарт бажарилса, метеорологик нишондан сочиладиган эффектив сиртни σ ифодаловчи тенглама билан осонгина топиш мумкин. Бу шартларнинг биринчиси – заррача радиуси (a) тўлқин узунлигидан (λ) бир неча марта кичик бўлиши керак, аниқроғи $a \leq 0,03 \lambda$. Иккинчи шарт – заррача радиуси заррача ичидаги тўлқин узунлигидан бир неча марта кичик бўлиши керак, яъни $a < 0,13 - \frac{\lambda}{|m|}$. Агар бу шартлар бажарилмаса, зарра

ичидаги электромагнит майдони ташқи электромагнит майдонига мос тушмайди.

Сферик шаклдаги бу каби майда заррачаларнинг сочилиш эффектив майдонини σ Релей формуласи билан ифодалаш мумкин

$$\sigma = \frac{64\pi^5 a^6}{\lambda} \left| \frac{m^2 - 1}{m^2 + 2} \right|^2 \quad (2.3)$$


Бунда m – заррача моддасининг λ тўлқин диапазондаги синдириш кўрсатгичи.

$$\text{Ушбу } k_m = \left| \frac{m^2 - 1}{m^2 + 2} \right| \quad \text{кўпайтма тўлқинларнинг сантиметрлик}$$

диапазонида сув учун $0,93 \pm 0,004$, зичлиги бирга teng бўлган муз учун $0,197$ га teng. Бундан кўриниб турибдики, бу катталик сферик шаклдаги сув заррачаси учун худди шу ўлчамдаги сферик шаклдаги муз заррачасига нисбатан деярли 5 марта катта.

Нишонгача бўлган масофа (R) қайтган сигнални радиолокация станциясининг узатгичидан юборилган зондлаш нурига нисбатан кечикиб

келиш вақти ($t_{зап}$) бўйича ўлчанади. Кечикиб келиш вақтини ўлчаш учун турли усулларни қўллаш мумкин; МРЛ да радиолокациянинг импульсли усули қўлланилиб, унинг ишлаш принципини соддалаштирилган блок-схемада қўриш мумкин (2.5-расм).



2.5-расм. Метеорологик радиолокаторнинг блок-схемаси.

1 – узатгич, 2 – қабулқилгич, 3 – индикатор, 4 – антenna, 5 – электрон переключатель.

Метеорологик радиолокаторнинг узатгичи генерация қилади, антенна эса ўта юқори частотали (СВЧ) электромагнит тебранишларини даврий такрорланадиган қисқа муддатли сигналлар (зондлаш импульси) кўринишида тарқатади. Зондлаш импульслари ўртасидаги вақт оралиғида нишондан қайтган сигналлар антenna орқали қабулқилгичга келиб тушади (*радиоэхо*). Зондлаш импульслари ўртасидаги нисбатан узокроқ вақт оралиғи қайтган сигналларни қабулқилгичга навбатдаги импульс юборилишидан олдинроқ келиб тушишига имкон яратади. Электрон переключатель («узатиш - қабул қилиш») сигналларни бир антenna орқали ҳам узатиш, ҳам қабул қилишни таъминлайди. Зондлаш импульслари юборилаётган вақтда МРЛ нинг қабулқилгичга кириш ёпилади. Қабул қилиш вақтда эса радиоэхонинг ҳамма энергияси қабулқилгичга келиб тушиши учун узатгич ёпилади. Қайтган сигналларнинг қуввати жуда кам бўлганлиги сабабли қабулқилгич мосламасининг энг асосий функцияларидан бири, антenna орқали қабул қилинган нурларни кучайтириш ва қайта ўзгартириш ҳисобланади.

Қайта ўзгартирилган ва кучайтирилган сигналлар (видеоимпульслар), кечикиб келиш вақтини ($t_{зап}$) ўлчаш имкониятига эга бўлган индикаторли

мосламага келиб тушади. Кечикиб келиш вақти ($t_{\text{зап}}$) нишон қайтаргичгача бўлган масофа ўлчови, қайтган сигнал қиймати эса, акс нурнинг сочилиш эффектив майдонига σ пропорциональ бўлади.

2.4. Радиолокацион қайтарувчанлик ва уни аниқловчи омиллар

Радиотўлқинлар булат ва ёғинлар ичига тўлиқ ёки қисман кириб, уларнинг (булат тизимининг) ички тузилишини катта майдонларда (метеорологик радиолокаторлардан 200 – 250 км масофагача) ўрганишга имкон берадиган ўзига хос хусусиятга эга. Булат ва ёғин заррачалари электромагнит тўлқин энергиясининг маълум қисмини тарқатади; энергиянинг бу қисми метеорологик радиолокатор қабул қиласидиган радиэхо сигналини ташкил этади. Бу хусусиятдан метеорологик обьектларнинг хоссаларини масофадан туриб (дистанцияли) аниқлаш учун фойдаланилади.

Электромагнит тўлқинлари булат ва ёғинлар ичига кириб, уларнинг алоҳида ҳар бир заррачаларида иккиласми нурланишни вужудга келтиради. Унинг радиолокатор томон йўналган жадаллиги, худди бошқа ҳар хил радиолокация нишонлари каби нурларнинг фаол майдондан тескарига (орқага) тарқалиши σ_i билан аниқланади.

Метеорологик обьектларни радиолокация зондлашда радиолокатор бир вақтнинг ўзида унинг нурига тушган кўплаб заррачаларни нурлайди. Шу сабабли метеорологик радиолокатор қабулқилгичига бир вақтнинг ўзида, тарқаладиган ҳажм ичидаги заррачалар тўпламидан қайтган, йўналганлик диаграмма кенглиги ва зондлаш импульсининг фазовий кўлами билан чегараланган сигналлар келиб тушади.

Сигнал тарқатадиган ҳажмни биринчи яқинлашувда диаметри $\pi\theta R/180$ ва баландлиги $ct/2$ бўлган цилиндр кўринишида ифодалаш мумкин. Бундай ҳажмнинг σ_v тарқалиш фаол майдони (эффективная площадь рассеяния – ЭПР) V ҳажмдаги барча гидрометеор заррачаларнинг йиғиндисига σ_i тенг:

$$\sigma_v = \sum_v \sigma_i . \quad (2.4)$$

Сигнал тарқатаётган ҳажм бўйича σ_i йиғиндини V ҳажмга нисбатини метеорологик нишоннинг *солиштирма тарқалиш фаол майдони* (удельная эффективная площадь рассеяния – УЭПР) дейилади ва η деб белгиланади:

$$\eta = \sum_v \sigma_i / V . \quad (2.5)$$

Солиштирма тарқалиш фаол майдони η булат ва ёғинларнинг қайтарувчанлик хоссасини хусусиятлайди. Унинг ўлчов бирлиги $\text{m}^2/\text{m}^3 = \text{m}^{-1}$ ларда ифодаланади.

Метеорологик радиолокатор қабулқилгичининг киришдаги сигнал ўртача қувватини $P_{\text{пр}}$ солиштирма тарқалиш фаол майдонининг η маълум

қийматлари орқали осонгина топиш мумкин. Бундай ҳисоблашларни бажариш учун метеорологик радиолокатор параметрлари билан радиоэхонинг ўртача қуввати $\overline{P_{np}}$ ва метеообъектларнинг қайтарувчанлик хусусиятларини боғловчи, яъни *радиолокация метеонишон тенгламаси* асос бўлади:

$$\overline{P_{np}} = \frac{P_t G^2 \lambda^2 c \tau \theta^2 k}{2^{14} \cdot 2025 \ln 2} \frac{\eta}{R^2} = 4,35 \cdot 10^{-8} P_u G^2 \lambda^2 c \tau \theta^2 k \frac{\eta}{R^2}, \quad (2.6)$$

Бунда:

- $\overline{P_{np}}$ – қабул қилгичнинг киришдаги ўртача радиоэхо қуввати, ваттларда;
- P_t – узатгичнинг импульс қуввати, ваттларда;
- G – антеннанинг қучайиш коэффициенти, ўлчовсиз катталик;
- λ – тўлқин узунлиги, метрларда;
- c – вакуумдаги ёруғлик тезлиги, $3 \cdot 10^8$ м/сония;
- τ – зондлаш импульс узоқлиги, сонияларда;
- k – тўлқин узатгичда сусайиш коэффициенти, ўлчовсиз катталик;
- η – солиштирма тарқалиш фаол майдони, m^{-1} ларда;
- R – метеорологик нишонгача бўлган масофа, метрларда.

Агар заррачалар сферик шаклда ва уларнинг диаметри тўлқин узунлигига нисбатан кичик бўлса, у ҳолда бирлик ҳажмдаги диаметри олтинчи даражага кўтарилиган заррачалар йифиндисидан иборат катталика *метеонишоннинг радиолокацион қайтарувчанлиги* дейилади ва Z билан ифодаланади:

$$Z = \frac{1}{V} \sum_v D_i^6 = \sum_i N(D_i) D_i^6, \quad (2.7)$$

Бунда D_i – заррача диаметри, $N(D_i)$ – заррачаларнинг диаметри бўйича тақсимланиши.

Радиолокацион қайтарувчанлик Z солиштирма тарқалиш фаол майдони η билан қўйидаги оддий нисбатда боғланади:

$$\eta = \frac{\pi^5}{\lambda^4} |k_m|^2 Z, \quad (2.8)$$

бунда: $k_m = (m^2 - 1)/m^2 + 2$, m – заррача қайси моддадан ташкил эканлигини билдирадиган комплекс кўрсатгич.

Агар радиолокация метеонишон тенгламасидаги (2.6) η катталикни Z орқали ифодаласак, у ҳолда метеонишон радиоэхосини унинг қайтарувчанлиги билан боғлайдиган *радиолокация тенгламасини* оламиз:

$$\overline{P_{np}} = \frac{\pi^5 G^2 P_u c \tau \theta^2 k |k_m|^2}{2^{14} \cdot 2025 \ln 2 \cdot \lambda^2} \frac{Z}{R^2} = 1,33 \cdot 10^{-5} \frac{G^2 P_u c \tau \theta^2 k |k_m|^2}{\lambda^2} \frac{Z}{R^2}, \quad (2.9)$$

бунда барча параметрлар СИ тизим бирлигіда, θ – градусларда ифодаланған. Агар Z нинг СИ тизим бирлигидаги m^3 да ифодаланған катталигини, mm^6/m^3 бирликка үтказиш керак бўлса, қуйидаги нисбатдан фойдаланилади:

$$Z (\text{m}^3) = Z (\text{mm}^6/\text{m}^3) \cdot 10^{-18}. \quad (2.10)$$

Метеорологик радиолокация кузатувларда радиоэхо жадаллигини ўлчаш, одатда метеорологик радиолокатор қабулқилгичнинг, яъни ўзининг шов-шувига P_{uu} нисбатан бажарилади. Агар метеонишон радиолокация тенгламасини иккала томонидаги ҳадларни P_{uu} га бўлсак ва радиолокаторнинг барча параметрларини бир кўпайтувчига жамласак, у ҳолда қуйидаги нисбатни оламиз:

$$\frac{\overline{P_{np}}}{P_{uu}} = C_m \frac{Z}{R^2}, \quad (2.11)$$

бунда:

$$C_m = 1,24 \cdot 10^{-5} \frac{P_u G^2 c \tau \theta^2 k}{P_{uu} \lambda^2} \quad (2.12)$$

– метеорологик радиолокаторнинг энергетик *потенциалини* аниқлайдиган m^{-1} лардаги доимийси ҳисобланади.

2.5. Метеорологик радиолокаторларни жойга ўрнатиши

Метеообъектларнинг радиолокацион кузатув усулининг камчиликлари сантиметр - диапазонли радиотўлқинларнинг атмосферада йўналиш бўйича ўзгарувчанлиги ҳисобланади. Сантиметр - диапазонли радиотўлқинлар фақат тўғри йўналиш бўйича тарқалади. Атмосфера обьектлари ушбу тўлқинларни ютади, тарқатади, кучизлантиради ва ҳоказо. Ушбу жараёнлар радиолокатор ёрдамида булутларнинг ташқи ва ички геометрик параметрларини тўғри аниқлашда ҳалақит қиласди.

Метеорологик радиолокаторларни жойлаштириш жараёни пайтида бир неча талабларни бажариш лозим бўлади. Биринчидан, улар юқорироқ жойда бўлиши, атрофдаги аҳолига камроқ таъсир этадиган масофада ўрнатилиши, иккинчидан, унинг атрофида тўсиқлар бўлмаслиги талаб этилади. Маълумотларнинг аниқ қабул қилиниши учун метеорологик радиолокатор антеннаси тўғри ўрнатилган бўлиши керак. Бу дегани метеорологик радиолокаторни «горизонтировка» ва «ориентация»сини тўғри бажариш кераклигини билдиради. Горизонтировка – бу метеорологик радиолокатор антеннасини Ер сатҳига нисбатан текис ўрнатилиши демакдир. Ҳозирги радиолокаторларнинг горизонтировкаси маҳсус ускуналар ёрдамида қилинади. Ориентация дегани – бу антеннани Ер магнит майдонининг кутблар томон йўналишларига қараб ўрнатилиши (шимол-жануб). Ушбу иш

кечаси юлдузларга қараб бажарилади. Ҳозирги вақтда метеорологик радиолокаторларнинг ориентацияси замонавий усул билан, яъни Ер сунъий йўлдошлари ёрдамида бажарилади.

Метеорологик радиолокатор узоқ вақт ишлайдиган асбоб-ускуна саналади. Шунинг учун унинг ишлаш даврида бир ҳолатда сақланиши талаб этилади. Бу ҳолат метеорологик радиолокаторларни «калибронка» этиш орқали бажарилади. Демак, калибронка радиолокатор кузатиш пайтида бир ҳолатда ишлашини таъминлаш учун қилинади. Кўпинча калибронка маҳсус ускуна ёки стандарт нишон усули орқали амалга оширилади. Метеорологик радиолокатор жойлашган жойдан маълум бўлган масофада радиоэхоси олдиндан маълум бўлган шар ипга боғланган ҳолда учирилади. Радиолокатор орқали радиоэхоси ўлчанилади ва керакли ўзгартиришлар киритилади. Кузатувлар пайтида эса, ўша ўзгартирилган параметрлар инобатга олинади.

2.6. Радиолокацион кузатув муддатлари

Радиолокация кузатувлари авиация метеорологик станциялардаги метеорологик радиолокаторларда *асосий* (синоптик), *ҳар соатли* ва *қўшимча* («Шторм» режимида) муддатларга ажралади. Тўлиқ серияли кузатувларга кетган вақт кузатувларни таҳлил этиш ва кодлаш, радиоэхо қамраб олган майдоннинг катта-кичиклиги, унинг баландлиги ва қайтарувчанлиги каби бир неча омилларга боғлиқ. Шу сабабли телеграмма бериш муддатигача бўлган давр 20-40 дақиқа чегарасида ўзгариши мумкин.

Синоптик муддатда^{*} барча радиолокацион ишлар тугалланган бўлиши шарт. Маълумотлар эса, ўз вақтида ишланиб ва кодлаб ҳар бир синоптик муддатдан кечикирилмасдан жўнатилиши керак. Агар мунтазам кузатувлар бажарилаётган даврда шторм ҳодисалар пайдо бўлса, у ҳолда бу ҳақда шу заҳотиёқ телеграмма бериш керак.

Ҳар соатли кузатувлар фақат навбатчи синоптик розилиги билан синоптиканый ва метеорологик ҳолат таҳлили хавфли ҳодисалар ва ёмғирли тўп-тўп булатларнинг вужудга келмаслигини англатса ўтказилмаслиги мумкин. Масалан, ҳар соатли радиоэхо кузатув натижаларига асосан қатламсимон булатларнинг тезлиги ва ҳаракат йўналиши тўғри аниқланган бўлса, булатлик ва радиоэхо зоналари эса, метеорологик радиолокатор атрофида жойлашган бўлса, у ҳолда навбатчи синоптикнинг рухсати билан радиолокацион кузатишлар фақат синоптик муддатларда ўтказилиши мумкин. Бу ҳақда кузатувлар журналига албатта ёзиб қўйиш керак.

Ҳар соатли кузатувлар ўртасида метеорологик радиолокатор хизматчиси авиация метеорологик станциядаги навбатчи синоптикнинг биринчи талабиданоқ прогнозга аниқлик киритиш учун ўзининг маълумотларини янгилаши ва «Шторм» режимида 100 км радиусдаги керакли радиолокация ахборотларини бериши шарт.

* Гринвич вақти билан соат 00 дан ҳар уч соатда, яъни 00, 03, 06, 09, 12, 15, 18, 21.

2.6.1. Метеорологик радиолокаторнинг штормогоҳлантириш режимида ишлаши

Радиолокатор – штормогоҳлантириш бериш учун энг самарали воситалардан бири саналади. Айнан шу сабабли метеорологик радиолокатор хизматчиларининг асосий вазифаси булут билан боғлиқ бўлган хавфли ҳодисалар ҳақида ўз вақтида огоҳлантиришdir. Бунинг учун метеорологик радиолокатор мухандиси ва техник-оператори навбатчиликка тушишдан олдин ва навбатчилик жараёнида албатта авиация метеорологик станция ёки об-ҳаво бюросидаги навбатчи синоптик билан шахсан биргаликда ва маслаҳатлашиб иш юритади. Улар биргаликда хавфли ҳодисани тезлиги ва силжиш йўналишларини аниқлаб, жуда диққат билан радиолокация назоратини ўрнатадилар.

Аэропортларда жойлашган метеорологик радиолокаторда, доирали обзор индикатор (ИКО) экраннда (агар бирорта бўш шаблонга чизилса янада яхшироқ бўлади) яхшироқ тассаввурга эга бўлиш учун қўнишга кириш ва ҳаво коридорларининг чизмасини киритиш даркор. Шаҳар объектларига хизмат этувчи метеорологик радиолокатор доирали обзор индикатор экраннда эса яхшироқ тассаввурга эга бўлиш учун шаҳар контури, шунингдек, момақалдироқ ва жала ёғинлар ҳақидаги тезкор ахборотга иҳтиёжи бўлган районларни (курилиш, электростанция, дарё портлари, темир йўл вокзали, ДАН ва маҳаллий об-ҳаво бюроси ёки авиация метеорологик станцияси руйхати бўйича бошқа ўта муҳим объектлар ва идоралар) белгилаб қўйиш зарур.

Навбатчи синоптикнинг кўрсатмасиз метеорологик радиолокатор хизматчилари қўйидаги ҳолларда штормогоҳлантириш режимда ишни бошлашга мажбур:

а) агар кузатув дастурининг бажарилиши жараёнида 180 км радиусдаги зонада қайтарувчанлик катталиги H_3 сатҳда $\lg Z_3 \geq 1,2$ бўлган тўп-тўпсимон булутлардаги радиоэхо (РКО) кўринса, қайтган сигналлар бўлмаган ҳолларда эса, қайтарувчанлик катталиги H_3 сатҳда тўп-тўпсимон булутлардаги радиоэхо $\lg Z_2 \geq 1,8$ топилса;

б) агар радиоэхонинг силжиш тезлиги соатига 65 километрни (18мс) ташкил этса (бу ҳақидаги маълумот кодланмаган ҳолда, яъни очиқ матнда берилади);

в) агар аэропорт зonasига бир ёки бир неча тўп-тўпсимон булутлардаги радиоэхо ўчоклари ҳаракат қилаётган бўлса;

г) агар тўп-тўпсимон булутлардаги радиоэхода 90 км радиусдаги зонада миқдори соатига 25 мм дан юқори жадалликка эга бўлган ёғин-сочин кузатилса.

Штормогоҳлантириш режимида ҳар соатда радиолокация ахборотлари фақат 180 км радиусдаги зонада олинади.

Ўтиш даврида (совук даврдан илиқ даврга ва илиқ даврдан совук даврга) штормогоҳлантириш тўп-тўпсимон булутлардаги радиоэхо учун $H =$

$H_{0^{\circ}C} + (2 \div 2,5)$ сатҳда $lgZ \geq 1,2$ дан ва қиши даврида түп-түпсимон булутлар билан биргаликдаги қатламсимон булутлардаги радиоэхо учун $lgZ \geq 0,7$ дан бошланиши зарур.

Штормогоҳлантириш режимида ишлаганды радиолокация ахборотлари туширилган карталар ҳар соатда тузилиши ва авиация метеорологик станцияси ёки маҳаллий об-ҳаво бюросига кузатув тугаш вақтидан 10 дақиқадан кечиқтирмасдан топширилиши шарт. Ахборотларни түплаш ва уни картага тушириш ва топшириш вақти 20 – 30 дақиқадан ошмаслиги керак.

Агар навбатдаги ҳар соатлик кузатув сеансида 180 км радиусдаги зонанинг қаериладир доирали обзор индикатор экраныда, айни пайтгача кузатилмаган ёмғирли түп-түп булутлар, момақалдирок ўчоқлари, жала, дўл кўринса, у ҳолда навбатдаги радиолокация ахборотлари туширилаётган картани тузишни тугатмасдан, шу заҳотиёқ метеорологик радиолокатор техник-оператори бу ҳақда оғзаки тарзда (тўғридан-тўғри ёки телефон орқали) навбатчи синоптикни огоҳ этиши шарт. Радиолокацион шторм ахборотлари одатда соатига бир марта янгиланади.

Фақат авиация метеорологик станцияларидаги метеорологик радиолокаторда 100 км радиусдаги зонада алоҳида силжиётган түп-түпсимон булутлардаги радиоэхони кузатишни ҳар соатли кузатув муддатлари орасида ўтказишига мутлақ мажбурдир. Бундай ҳолларда радиолокация хусусиятларини, уларнинг ўзгаришини, алоҳида түп-түпсимон булутлардаги радиоэхо тезлиги ва йўналишини амалда узлуксиз (5 – 10 дақиқа интервал билан) бажарилиши тавсия этилади.

Тез-тез олинадиган бундай маълумотлар операторни 180 км радиусдаги зонада ҳар соатлик албатта олинадиган шторм карталарни тузишдан озод қилмайди.

Ҳар соатда олинадиган шторм шароитидаги радиолокация маълумотлари RADOB кодининг «Шторм» гурухи ёрдамида кодланиши керак.

Метеостанция шохобчалари жуда кам бўлган районларда авиация метеорологик станция ёки гидрометеорология бошқармаси бошлигининг кўрсатмасига биноан радиолокация шторм ахборотлари 300 км радиусдаги зонада фақат қайтарувчанликни хусусиятлайдиган $lgZ_3 \geq 1,2$ ва $lgZ_2 \geq 1,8$ катаклар учун олиниши мумкин.

III боб. РАДИОЛОКАЦИОН АХБОРОТЛАРНИНГ МЕТЕОРОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Яқин зонадаги булутларнинг радиолокацион ахборот таҳлили

Ҳозирги вақтда собиқ Иттифоқ худудида радиолокация метеорологик кузатувларнинг икки тармоғи фаолият кўрсатмоқда.

Штормогоҳлантириш тармоғи гидрометеорология хизматларининг

прогноз тузувчи бўлимларини булутлик, ёғин ва у билан боғлиқ об-ҳавонинг хавфли ҳодисалари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашга мўлжалланган.

Хавфли ҳодисалар ҳақидаги тезкор ахборотларга асосий истеъмолчи бўлиб авиация ҳисобланади. Шу сабабли метеорологик радиолокаторлар, асосан, аэропортларда, шунингдек, гидрометеорология хизмати ёки гидрометеорологик обсерваториялар фаолият кўрсатаётган йирик шаҳарларда ҳам ўрнатилади. Кейинги йилларда радиолокацион ахборотларнинг сифати, ҳажми ва тезкорлигига эҳтиёж сезган бошқа - қишлоқ хўжалик ташкилотлари, транспорт, электротизим ва шу каби истеъмолчилар томонидан ҳам талаб ортмоқда. Бугунги кунда *штормогоҳлантириши радиолокация метеорологик тармоғи*, асосан, МРЛ-1 ва МРЛ-2 радиолокаторлар билан жиҳозланган бўлиб, улар аста-секин МРЛ-5 радиолокаторларига алмаштирилмоқда.

Штормогоҳлантириш тармоғида метеорологик радиолокаторларнинг қайси тури ўрнатилганлигидан қатъий назар, операторнинг асосий вазифаси куйидагалардан иборат бўлади:

- тўп-тўп ёмғирли булутларни топиш, жойлашган ўрни ва баландлиги радиоэхо зonasини, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган жала, момақалдироқ, дўл ҳодисаларини аниқлаш;
- момақалдироқ, дўл ва кучли жала ёмғирлар каби ҳодисаларни уларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда барвакт огоҳлантириш;
- тўп-тўп ёмғирли булутлардаги радиоэхо зonasининг тезлиги ва ўйналишини, шунингдек, буркама характерга эга бўлган ёғинлар радиоэхо зonasини аниқлаш;
- метеорологик радиолокатор кузатган барча булутлардаги радиоэхонинг юқори чегараси ва ёмғир ёғмайдиган юқори ва ўрта ярусли булутлардаги радиоэхонинг пастки чегарасини аниқлаш;
- булутлар тизимидағи радиолокация хусусиятларининг ўзгариб бориши тенденциясини аниқлаш;
- тўп-тўп ёмғирли булутлардаги радиоэхо эволюциясини аниқлаш;
- метеорологик радиолокаторларнинг кўриш майдонидаги ёғинлар тақсимотини баҳолаш.

Метеорологик радиолокаторлар дўлдан ҳимояланиш ва ундан келадиган зарарни камайтиш мақсадида булутларга фаол таъсир этиш технологиясининг муҳим таркибий қисми саналади. Мамлакатимизнинг кўпроқ дўл кузатиладиган ҳудудларида дўлдан ҳимояланиш ишларини таъминлаш учун *радиолокация метеорологик тармоғи* ташкил этилган.

Мамлакатимизда об-ҳавога таъсир этиш ишлари Ўзбекистон республикаси Мудофа Вазирлиги хузуридаги Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган бошқармаси томонидан олиб борилади. Ҳозирги кунда Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган бошқармасининг Ўзбекистон ҳудудида 8 та хизмат бўлини маси бўлиб, улардан 7 тасида дўлга қарши кураш ишлари олиб борилади. **Булар куйидагилардир:**

- Чуст хизмати - Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳудудида;
- Косонсой хизмати - шу вилоятининг Косонсой тумани ҳудудида;
- Янгиқўрғон хизмати - шу вилоятининг Янгиқўрғон ва Чорток туманлари ҳудудида;
- Қашқадарё хизмати - Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманлари ҳудудларида;
- Самарқанд хизмати - Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Тойлок туманлари ҳудудларида;
- Сурхондарё хизмати - Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё ва Денов туманлари ҳудудларида;
- Андижон хизмати (хозир бу ҳудуддаги хизмат фаолияти тўхтатилган) - Андижон вилоятининг Жалолқудук ва Кўрғонтепа туманлари ҳудудларида дўл жараёнини сусайтириб, ундан келадиган зарарни камайтириш бўйича фаолият кўрсатмоқдалар.

Бу тармоғ асосан МРЛ-5 радиолокаторлари билан жиҳозланган бўлиб, улардан дўлли ва дўл жараённи бор булутларни аниқлаш, таъсир этилиши керак бўлган булут зоналарни ажратиш учун фойдаланилади. Радиолокация кузатувлари ёрдамида олинган дўлли жараёнлар ҳақидаги ахборотлар, метеорологик ҳолат ва дўл жараёнига эга бўлган булут тизимини баҳолаш, дўлли жараёнлар турини, унинг силжиш тезлиги ва йўналишини, ривожланиш тенденциясини аниқлаш, таъсир этиш объектини танлаш ва таъсир этиш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадида таҳлил этилади.

Радиолокация кузатувларининг асосий мақсади унинг ёрдамида ўлчаниши талаб этилган метеообъектлар радиолокация хусусиятларини метеорологик талқин этиш ҳисобланади. Радиолокация ўлчаш маълумотларининг метеорологик таҳлили булут ва ёғинлар физик ҳолати ва параметрларининг хусусиятлари билан уларнинг барқарор физик-статистик боғланиш мавжудлигига асосланган.

Момақалдириқ ва жала радиоэхолари яхши ифодаланган, айрим ўчоқларининг горизонтал ўлчамлари бир неча километргача етадиган структурага эга. Бунда момақалдириқдаги радиоэхо катта вертикал қувватга ва катта қайтарувчанликка эга бўлади. Шу сабабли улар доирали обзор ва «узоқлик – баландлик» индикаторларида аниқ ажралиб туради. Шивалама ёғинли қатламдор булутлардан қайтган радиоэхо асосан бир хил бўлиб, катта майдонни эгаллайди, лекин бу булутларнинг қайтарувчанлиги, жала ва момақалдириқдагига нисбатан анча кам.

Ҳозирги вақтда булутлик билан боғлиқ бўлган жараёни атмосфера ҳодисалари ҳақидаги ахборотларни ўз вақтида штормогоҳлантириш тезкор воситаларидан бири метеорологик радиолокатор ҳисобланади.

Стандарт радиолокация кузатувлари барча метеорологик радиолокаторларда бир хил вақтларда, ҳар 3 соатда 300 км ли радиусда олиб борилади. Бу кузатиш вақтлари метеорологик кузатувлар вақтига мос тушади. Жараёни ҳодисалар мавжудлигига ҳар соатлик маҳсус кузатув штормогоҳлантириш режими киритилади. Штормогоҳлантириш режимида

180 км гача радиусдаги радиолокация ахборотлари олинади. Аэропортларда жойлашган метеорологик радиолокаторда, яқинлашиб келаётган хавфли ҳодисаларнинг алоҳида ўчоқларини кузатиш, ҳар соатлик кузатув вақтлари орасида ҳам 100 км лик радиусда бажарилиши шарт. Бундай ҳолларда хавфли зоналар силжишини амалда тўхтовсиз кузатиб борилади.

Радиолокация метеорологик ахборотларни олиш жараёни бир қатор кетма-кет босқичлардан иборат. Улар қуидагилар:

- 1) метеорологик радиолокаторни кузатувга тайёрлаш;
- 2) бирламчи маълумотларни олиш;
- 3) бирламчи маълумотларни таҳлил этиш ва изоҳлаш;
- 4) ахборотлар туширилган бланкани тузиш;
- 5) олинган ахборотларни кодлаш ва узатиш.

Метеорологик радиолокаторни кузатувга тайёрлаш босқичига бошқарув тугмачаларни ва тумблерларни текшириш, уларни жорий ҳолатга келтириш, аппаратура параметрларини текшириш, кузатув натижаларини тайёрлаш учун станциянинг параметрларини ўлчаш, унинг кузатувга тайёрлиги ҳақида журналга ёзиб қўйиш каби ишларни бажариш киради.

Метеорологик радиолокатор кузатувга тайёрлангандан ва станциянинг параметрларини ўлчаш ҳақидаги маълумотларни журналга ёзиб қўйгандан кейин оператор кузатувни бошлайди. Йилнинг илиқ, ўтиш ва совуқ даврларида таҳлил этишда фойдаланиладиган эмпирик боғланишлар алоҳида ҳисобланади. Шу сабабли бу даврларда бирламчи маълумотлар ҳажми ва уларни олиш тартиби бир-биридан фарқланади.

Радиолокация тенгламасидан (1.2) кўриниб турибдики, яқин масофада жойлашган метеообъектлардан қайтиб келган радиоэхо қуввати энг юқори бўлади. Шунинг учун бу зонада объектларни таҳлил қилиш бир мунча осонроқ. Булутлар яқин зонада яхши кўринади ва уларнинг геометрик ва ички параметрларини аниқлаш осон. Ундан ташқари, булутнинг геометрик параметрлари ўзгарувчанлигини ҳам аниқлаш қулай. Таҳлил қилиш албатта булутнинг шаклига ҳам боғлиқ (конвективми ёки қатламсимонми). Конвектив булутларни таҳлил қилиш осонроқ. Чунки улар радиолокатор экранларида фарқланиб туради. Қатламсимон булутлар экранларда ўзига хос кўринишига эга. Горизонтал кесим экраннада улар доира кўринишига эга. Вертикал кесим экраннада айрим баландликда жойлашган қатламсимон радиоэхо кўринишига эга бўлади. Асосан бу нарса булутларнинг тезлигини аниқлашда халақит қиласи. Қатламсимон булутларнинг тезлигини аниқлаш бироз қийинроқ кечади.

Яқин зонадаги атмосфера обзори вертикал кесимлар ёрдамида олиб борилиб, 20/40 км масштабли «узоқлик – баландлик» индикаторларида ўлчов ва кузатув учун фойдаланилади.

Юқорида айтилган булутларнинг радиоэхосини асосан вертикал кесим кўрсатадиган экранда фарқлаш мумкин. Пастки, ўрта ва юқори ярусли булутлар ушбу экранда бир хил, яъни қатламсимон радиоэхо кўринишига эга бўлади. Уларни жойлашган баландлигига қараб таснифлаш мумкин. Конвектив булутларнинг радиоэхоси биринчидан жадалроқ бўлади.

Иккинчидан, улар тўп-тўп жойлашган бўлади. Шунинг учун конвектив булатларнинг радиоэхосини вақт бўйича ўзгаришини осонроқ кузатиш мумкин ва тезлигини ҳам аниқлаш қулайроқ.

Ўрта мавсумларда бир вақтда турли хил булатларнинг бирлашган шакллари кузатилади. Бу ҳолатни аниқлаш учун иккала экранлардан фойдаланиш керак (вертикал ва горизонтал кесим қилиш экранлари). Бу ҳолатларда булатлар шаклини аниқлаш асосан вертикал кесим қилувчи экранда қулай. Чунки вертикал кесим қилувчи экран кўринишида қатламсимон ва конвектив булатларнинг радиоэхолари катта фарқ билан ажралиб туради.

Узоқ зонада атмосфера доирали обзордан антенна қўтарилишига мос равишда ҳар хил бурчаклар остида бирин-кетин кўрилади. Бунда доирали обзор индикатори устига қўйиладиган маҳсус андозадан (шаблон) фойдаланилади. Кузатув жараёнида радиоэхо баландлик майдони ва унинг сифатий горизонтал тақсимланиши, радиоэхо тури, берилган сатҳлардаги (Z_1 , Z_2 ва Z_3) қайтарувчанликнинг тақсимланиши ва бошқа параметрлар аниқланади.

Радиолокация маълумотларини изоҳлашда булатлик тизими ва хавфли ҳодисаларнинг силжиш тезлиги ва йўналиши, шунингдек, булатлик тизимининг хусусияти аниқланади.

Булат ва ёғинларни радиолокация кузатувларининг барча жараёнлари ва унинг метеорологик изоҳлашни икки асосий босқичга ажратиш мумкин:

- метеорологик ҳолатни умумий баҳолаш ва булатлик тизимининг турини аниқлаш;
- тўп-тўп ёмғирли булатлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳодисаларнинг олдини олиш.

3.2. Булатлик турини аниқлаш

Метеорологик нишондан қайтган радиоэхолар асосан булат таркибидаги энг йирик заррачалар билан аниқланади. Радиолокатор амалда булатлик тизимининг 1 m^3 ҳажмида ўлчами $0,1 \text{ mm}$ дан кичик бўлмаган ва унинг микдори биттадан қўп бўлган заррачалардан иборат зонасини «кўради». Шу сабабли булатликнинг радиолокация тасвири визуал кузатув бўйича тузилган тасвирдан сезиларли даражада фарқланади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, амалда барча булатларда ўлчами $0,1 \text{ mm}$ дан катта бўлган «ўтайирик» заррачалар мавжуд бўлади. Айнан шу туфайли булатлик ҳақидаги ахборотларни олиш учун метеорологик радиолокаторлардан фойдаланиш мумкин.

Айрим ҳолатларда булатлар радиоэхоси ҳар хил тизимлар кўринишини олади. Дўлли конвектив булатларнинг ўзига хос кўриниши бор. Вертикал кесим қилувчи экранда уларнинг кўриниши «кўзиқорин»га ўхшаб кетади. Бир хилда булатлар радиоэхоси бир чизиқ бўйлаб жойлашган бўлади. Бу ҳолат совук фронтли ҳосил бўлган булатларга тегишли. Ушбу булатлар

билин ҳар хил хавфли ҳодисалар боғлиқ бўлади. Қаттиқ шамол ёки жала, дўлли ҳодисалар, момақалдироқ ва шу кабилар.

Метеорологик радиолокатор индикаторларида кузатиладиган ҳар хил булутлар радиоэхонинг вертикаль қуввати $0,2 - 0,8$ км ни ташкил этади. Бу булутлардан шивалама ёғинлар ёғаётганда радиоэхонинг сиртигача чўзилади.

1. Қатламли булутлар (St) – ингичка яхлит тасма кўринишда бўлади. Радиоэхонинг вертикаль қуввати $0,2 - 0,8$ км ни ташкил этади. Бу булутлардан шивалама ёғинлар ёғаётганда радиоэхонинг сиртигача чўзилади.
2. Қатламли тўп-тўп булутлар (Sc) – ячейкасимон тузилишни ингичка яхлит тасма кўринишда бўлади.

3. Ёмғирли қатлам булутлар (Ns) – буркама ёғинлари (ёмғир, кор), булутларнинг юқори чегарасидан ер сиртигача чўзилган зона кўринишда бўлади. Радиоэхонинг вертикаль тузилишининг асосий хусусиятларидан бири, бу йилнинг илиқ даврида ноль изотерма баландлигига жуда юқори қайтарувчанликка эга бўлган қатламнинг мавжудлигидадир.

4. Юқори қатлам булутлар (As) – яхлит тасма, юқори тўп-тўп булутлар (Ac) – ячейкасимон тузилишни тасма кўринишда бўлади.

5. Патсимон турдаги булутлар (Ci, Cc, Cs) – қалинлиги юзлаб метрдан бир неча километргача чўзилган зона кўринишда бўлади.

6. Вертикаль ривожланган булутлар (Cb ва Cu cong.) – деярли вертикаль зона кўринишда бўлади.

Радиолокация штормогоҳлантириш тармоғида, амалиётда қўллаш учун умумий қабул қилинган булутлар генетик-морфологик таснифидан бирмунча фарқланадиган, лекин булутлик тизими турларини етарлича яхши ёритадиган, радиолокация кузатув усулининг ўзига хос хусусиятларини инобатга оладиган тасниф қабул этилган.

Булутларнинг радиолокация хусусиятларини таҳлил этишда яқин зона (40 км гача) ва узоқ зонага ($30 - 300$ км) ажратилади.

Яқин зонада булутлардаги радиоэхонинг сифатий тасвири аниқланади ва ер сиртидан 1000 м баландликдаги сатҳда ($\lg Z_1$), ноль изотермали сатҳда ($\lg Z_2$), шунингдек, 0°C ($\lg Z_3$) изотермадан $2,0 - 2,5$ км юқоридаги сатҳда қайтарувчанлик қиймати ўлчанади. Яқин зонада булутлар 5 хил турдаги радиоэхога ажратилади:

- 1) юқори қатламдаги қатламсимон;
- 2) ўрта қатламдаги қатламсимон;
- 3) пастки қатламдаги қатламсимон;
- 4) катта вертикаль кўламли қатламсимон;
- 5) тўп-тўпсимон (вертикаль ривожланган).

Узоқ зонада ҳам булутлардаги радиоэхонинг тасвири аниқланади, метеорологик радиолокаторлар обзор радиусида радиоэхонинг юқори чегарасининг тақсимланиши ва ер сиртидан 1000 м баландликдаги сатҳда ($\lg Z_1$), ноль изотермали сатҳда ($\lg Z_2$), шунингдек, 0°C ($\lg Z_3$) изотермадан $2,0 - 2,5$ км юқоридаги сатҳда қайтарувчанлик қиймати ўлчанади. Узоқ зонада булутлар 3 хил турдаги радиоэхога ажратилади:

1) қатламсимон булутлар атмосферада тарқалиши бўйича яхлит ёки яхлитмас, ердан кўтарилилган ёки ёғин пайти ер сиртигача етадиган бўлиши

мумкин;

2) түп-түпсімөн ёки конвектив булатлар яхлит зона, яхлитмас зона ёки алоҳида үчоқ шаклида кузатилиши мумкин;

3) түп-түпсімөн ва қатламсімөн булатлар кузатилиб, олдинги иккі турдаги радиоэхо белгиларини тақрорлайды.

Булатлар тизимининг келтирилған тасніф бүйіча фарқлаш ишончлилігі 80 – 90% ни ташкил этади.

3.3. Узок зонадаги булатларнинг радиолокацион ахборот таҳлили

Узок зонада жойлашган булатларни таҳлил этиш бир неча қийинчиликтарга боғлиқ. Биринчидан, узок зонада жойлашган булат ва радиолокатор ўртасида бошқа булатлар бўлиши мумкин эмас, чунки яқинда жойлашган булат узодан келган радиоэхонинг қувватини пастроқ қилиб кўрсатади. Кўпинча узок зонада жойлашган булатлар радиоэхоси уларнинг тезлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Ундан ташқари узокда жойлашган булатнинг ички тизимини аниқлаш бироз қийинроқ.

Радиоэхолар турларини тасніфлаш вертикаль ва горизонтал кесим қилувчи экранлар ёрдамида бажарилади. Радиоэхонинг қайси баландликда жойлашгани, унинг қуввати, геометрик ва ички тизимиға қараб тасніф қилинади. Ушбу тасніф булатларнинг морфологик тасніфига ўхшаб кетади. Лекин радиоэхони кўриниши бўйича тасніф қилиш тўғрироқ. Сабаби, биз булатларнинг ички тузилишини инобатга оламиз.

Конвектив булатларнинг жойини аниқлаш ва улар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни баҳолаш амалларини горизонтал кесим қилувчи экран орқали бажариш мумкин. Биринчидан, булатларгача бўлган масофани аниқлаш керак. Иккинчи вазифа, уларнинг тезлигини аниқлаш. Учинчи вазифа, радиоэхонинг қувватини баҳолаш. Тўртинчи вазифа, радиоэхонинг ўзгаришини баҳолаш (радиоэхо кучаяяптими ёки пасаяяптими). Ушбу вазифалар бажарилгандан кейин бир холосага келишимиз мумкин. Радиоэхо қанча кучли бўлса, шу конвектив булатдан шунча хавфли ҳодиса кутса бўлади.

Атмосфера обьектларининг харакат тезлиги ва ривожланиш тенденциясини аниқлаш учун булатларнинг радиоэхосини узок муддат кузатиш керак. Булатнинг ўзига хос бўлган радиоэхони горизонтал кесим қилувчи экранда иккі дақиқа ичидә аниқланади. Булат ўтган масофани вақтга бўлинса, булатнинг тезлиги аниқланади.

Ривожланиш тенденцияси қўпинча вертикаль кесим қилувчи экран ёрдамида аниқланади. Тенденцияни аниқлаш учун геометрик (булатнинг юқори ва пастки чегарасининг баландлиги) параметрларнинг ўзгарувчанлигини баҳолаш керак.

3.4. Хавфли ҳодисаларни чеклаш. Булат тизимининг турини аниқлаш

Айрим ҳолатларда булатлар радиоэхоси ҳар хил кўриниш олади. Дўлли конвектив булатларнинг ўзига хос кўриниши бор. Вертикал кесим қилувчи экранда уларнинг кўриниши қўзиқоринга ўхшаб кетади. Бир хил булатлар радиоэхоси бир чизик бўйлаб жойлашган бўлади. Бу ҳолат совук фронтли ҳосил бўлган булатларга тегишли. Ушбу булатлар билан ҳар хил хавфли ҳодисалар боғлиқ бўлади. Қаттиқ шамол ёки жала, дўлли ҳодисалар, момақалдириқ ва бошқалар.

Йилнинг ўтиш даврида ва совук мавсумга тегишли хавфли об-ҳаво ҳодисалар жойини аниқлаш амалиётда бажарилиши мумкин бўлган муҳим вазифа саналади. Совук мавсумда кўп ёғингарчилик, ўтиш даврида кучли ёмғир, жала, момақалдириклар кўпроқ кузатилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ушбу ҳодисалар булатларга боғлиқ. Демак, ўша ҳодисаларни олиб келувчи булатларнинг жойини аниқласак, биз вазифани ечган бўламиз. Метеорологик радиолокатор бизга булатларнинг радиоэхолари асосида ўша жойларни аниқлашда ёрдам беради. Чунки булат радиоэхосининг қувватига қараб ёмғирнинг миқдорини баҳолаш мумкин. Ёмғир миқдори аниқлангандан кейин биз тошқин бўлиш ёки бўлмаслигини баҳолашимиизга имкон яратилади.

3.4.1. Тўп-тўп ёмғирли булатлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳодисаларнинг олдини олиш

Тўп-тўп ёмғирли булатлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳодисаларнинг олдини олиш радиолокация кузатув тармоғининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳодисаларга жала ёғин, момақалдириқ, дўл ва қасирға шамоллар киради.

Штормогоҳлантириш тармоғида кузатувлар олиб бориш ҳақидаги қўлланмага мос равища, булатлар тизимиға боғлиқ бўлган ёмғир ва ҳодисаларнинг радиолокация таснифи қабул қилинган ва у фақат уч гуруҳдан иборат:

- 1) дўл хавфи бор ёмғирли тўп-тўп булатлар ва дўлли момақалдирикли булатлар;
- 2) дўл хавфи бор ёмғирли тўп-тўп булатлар ва момақалдириқли жала ёмғирлар;
- 3) момақалдириқсиз ёмғирли тўп-тўп булатлар ва момақалдириқсиз жала ёмғирлар.

Ёмғирли тўп-тўп булатлар билан боғлиқ хавфли ҳодисаларни радиолокация хусусиятлари бўйича фарқлаш бу ҳодисаларни Св булатларидаги радиоэхози тузилиши билан хавфли ҳодисалар ўртасида эмпирик ўрнатилган статистик боғланишдан фойдаланишга асоланган.

Кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, Св булатларидаги хавфлилик даражаси ортиб борган сари, булатнинг ўта совуган қисмидаги (Z_3) радиолокация қайтарувчанлиги ҳам кўпайиб боради ва радиоэхонинг максимал баландлиги (H_{max}) кўтарилади. Бундан ташқари, булатнинг максимал қайтарувчанлик зона баландлигининг (Z_{max}) ҳам ортиб боришга

мойиллиги тез-тез кузатилади ёки ноль изотермали сатх (Z_2) билан ноль изотермадан $2,0 - 2,5$ км юқоридаги сатхлар (Z_3) орасидаги қайтарувчанлик фарқи камаяди.

Катта кўндаланг кесимга ва юқори радиолокация қайтарувчанликка эга бўлган булутларда бирмунча жадал ва йирик масштабли хавфли ҳодисалар кузатилади.

Штормогоҳлантириш тизимида радиоэхонинг максимал баландлигининг (H_{max} , км) ноль изотермадан $2,0 - 2,5$ км юқоридаги сатх $\lg Z_r$ қийматига кўпайтмаси Y индексидан фойдаланилади:

$$Y = H_{max} \lg Z_{r,3}, \quad (3.1)$$

Кўп йиллик метеорологик кузатувлар маълумотига кўра, турли физик-географик районларда $Y \geq 25$ катталик иккинчи гуруҳ ҳодисаларнинг (дўл хавфи бор ёмғирли тўп-тўп булутлар ва момақалдириқли жала ёмғирлар) аниқлаш учун ишончли (90% дан юқори) белги бўлиб ҳисобланади. Агар Y қиймати $25 - 6$ оралиқдаги интервалда ётса, у ҳолда ноаниқлик вужудга келади, яъни конвектив булутлар иккинчи ёки учинчи гуруҳдаги ҳодисаларга тегишли бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, Y қиймати 6 дан 25 гача ортиб борса, момақалдириқ эҳтимоллиги кўпаяди. Радиолокация кузатуви амалиётида бу омил, хавфли ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни эҳтимоллик шаклида тақдим этилаётганда инобатга олинади.

Радиолокация бланк-карталарида Y қиймати мезонига боғлиқ ҳолда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги ҳодисалар символлар билан белгиланади.

\blacktriangleleft , \blacktriangleright , \blacktriangleright , (\blacktriangleright)

Белгилар ҳодисалар ҳақидаги радиолокация билан ердаги кузатув маълумотларини бир-бирига мос тушиш эҳтимоллигини ($P \%$) кўрсатади:

- \blacktriangleleft — $Y \geq 40, P \geq 90 \%,$
- \blacktriangleright — $Y \geq 25, P \geq 90 \%,$
- \blacktriangleright — $Y = 20 \div 25, P \geq 75 \%,$
- (\blacktriangleright) — $Y = 10 \div 20, P = 30 \div 75 \%.$

Y қиймати $6 - 10$ диапазонда бўлса, радиоэхо кузатиладиган зона учинчи гуруҳ ҳодисаларга тегишли бўлади ва момақалдириқсиз конвектив булутлар ва жала ёмғирлар деб тасниф қилинади. Жала ёғинлар ҳақидаги радиолокация билан ердаги кузатув маълумотларини бир-бирига мос тушиш эҳтимоллиги бу мезон бўйича $70 - 90\%$ ни ташкил этади. Лекин шуни

назарда тутиш керакки, бу мезондан метеообъектлар фақат 100 км дан ортадиган узоклика жойлашган чегарадагина фойдаланиш мумкин. 100 км масофагача бўлган чегарада, Z_1 катталиги етарли даражада аниқ ўлчанади ва ёгаётган ёғинларнинг жадаллигини аниқлаш мумкин.

3.4.2. Ёғинлар жадаллигини ўлчаш

Ёғинлардаги заррачалар сони қанча кўп ва заррачаларнинг йириклиги қанча катта бўлса, унинг радиолокация қайтарувчанлиги шунча катта бўлади. Бошқа томондан маълумки, ёмғир жадаллиги катта бўлса, ундаги йирик томчилар сони ҳам шунча кўп бўлади. Демак, ёғинлардаги радиолокация қайтарувчанлиги билан унинг жадаллиги I ўртасида боғланиш мавжуд. Ҳар хил жадалликдаги ёмғир томчилари ўлчамининг спектрини ўлчаш асосида, Z билан I ўртасидаги боғланишни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$Z = AI^B, \quad (3.2)$$

бунда Z катталиги $\text{мм}^6/\text{м}^3$ ва I катталиги $\text{мм}/\text{с}$ ларда ифодаланган, A ва B сонли параметрлар. A ва B параметрлар қиймати турли хилдаги ёмғирлар учун ҳар хил ва ёғиннинг ҳосил бўлиш шароитига боғлиқ бўлади. Лекин мўътадил кенгликларда ўртacha квадрат хатолиги 30% дан ошмаган кўпчилик ёғинлар (шивалама ёмғир ва дўлли ёғинлардан ташқари) учун қуидаги нисбатлардан фойдаланиш мумкин:

$$Z = 250I^{1.6} \quad \text{ёмғир учун} \quad \text{ва} \quad Z = 1000I^{1.6} \quad \text{кор учун.} \quad (3.3)$$

Штормогоҳлантириш режимида бу нисбатлардан радиолокаторнинг обзор майдонида ёғиннинг максимал жадаллигини фақат чамалаб баҳолаш учун фойдаланилади.

IV боб. БОШЛАНГИЧ РАДИОЛОКАЦИОН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ МЕТЕОРОЛОГИК ТАЛҚИН ЭТИШ

4.1. Метеорологик радиолокацион ахборотларни тасвирилаш учун бланкалар

Бирламчи радиолокацион ахборотларни метеорологик талқин этишда қулайлик яратиш мақсадида маҳсус бланкалардан фойдаланилади. Бланкалар икки хил шаклда бўлади ($\Phi-1$ ва $\Phi-2$).

$\Phi-1$ шаклли бланка H (булут радиоэхосининг юқори чегараси) катталиги ва қайтарувчанликнинг логарифми $\lg Z$ билан биргаликдаги M:300 км (M:150 км) миқёсли карта кўринишида бўлади (4.1-расм).

$\Phi-1$ шаклли бланканинг узоқ зонадаги карта-бланкаси квадрат ва унинг ичига чизилган айланалардан иборат бўлиб, унинг радиуси шаблон ўлчамига teng ва мос равиша доирали обзор индикаторининг (ИКО)

марказидан узоқлик белгисигача масофа оралиғи 300 км (150 км) ни ташкил этади. Бұ күринищдаги карта-бланкани «узоқ зона» деб аталади.

Айлана квадрат катақчаларга бўлинган. Уларнинг ўлчами $M:300$ км учун 30×30 км ёки $M:150$ км учун 15×15 км га тенг. Ўлчангандың H ва қайтарувчанликнинг логарифми $\lg Z$ катталикларни бланкага ўтказишида қулай бўлиши учун айланаларнинг бир-бирига нисбатан оралиғи тенг интервалда, яъни 30 км дан қилиб чизилган; айланалар 45 км лик масофадан бошланган, ташқи айланада ҳар 10° дан азимут белгиси қўйиб чиқилган.

Ф-1 шаклли бланканинг узоқ зонадаги карта-бланкасида айланадан ташқарида қуидагилар ёзилади:


- чап томон юқорисида кузатув куни, муддати (Гринвич вақти билан кузатув тугалланган вақт қўрсатилади);
- ўнг томон юқорисида миқёс ва метеорологик радиолокатор потенциали (P_m);
- чап томон пастида кузатув ўтказилган райондаги ҳарорат;
- ўнг томон пастида момақалдироқ хавф соладиган мезон (критерий) катталигининг $Y_{kp(R)}$ ўндан бир аниқликтаги қиймати; нол изотерма баландлиги ($H_{0^\circ C}$), ёнида қавс ичида $-22^\circ C$ изотерма баландлигининг ўндан бир аниқликтаги қиймати.

Бундан ташқари, бланканинг ўнг томон пастида маълум бир турдаги радиоэхога тегишли қайтарувчанлик характеристики ($\lg Z_{xap}$), радиолокацион хусусиятларининг ўзгариш тенденциясини (ΔZ , ΔS), уларнинг код рақами, бир турдаги радиоэхоларнинг тезлиги ва йўналишини аниқлаш мақсадида чизиқ билан ўраб олинган t_2 ва t_1 вақт моментлари, шунингдек, t_2 ва t_1 ўртасидаги вақт оралиғи каби маълумотларни қайд қилиш графаси мавжуд.


Узоқ зонадаги карта-бланка чизилган квадрат ташқарисида X ва Y ўқлари бўйлаб 120×120 катақчаларни кодлаш учун рақамлар туширилган.

Яқин зонадаги Ф-1 шаклли карта-бланка («яқин зона» деб аталади) тўрт қисмга бўлинган тўғрибурчак кўринишида бўлади.

4.1-расм.
Ф-1 шаклли бланка.



4.2-расм. Φ -2 шаклли бланка.



Яқын зонанинг ҳар бир қисмida (азимутida) 1° гача аниқликда азимут күрсатилилади; шунингдек, агар вертикал кесим $M : 20/40$ дан бошқа миқёсда олинган бўлса, бошқа миқёсдаги «узоқлик – баландлик» (ИДВ) индикатори қайд этиши (азимутдан ўнг томонда) мумкин.,.

Ф-2 шаклии карта-бланка (4.2-расм) олинган натижалар таҳлили ва маълумотларни метеорологик талқини тасвирланган Ф-1 шаклии карта-бланкасидаги радиолокацион ахборотларни акс эттириш ва узатиш учун мўлжалланган. Бу карта-бланка ҳам икки қисмдан иборат ва худди шундай

ўлчамга эга.

Узок зона маълумотларини тасвирлаш учун айланга горизонтал ва вертикал чизиқлар билан катакчаларга ажратилган, жумладан, ингичка чизиқлар билан M:300 миқёсда 60x60 катакчалар, қалинроқ чизиқ билан эса, мос равишда M:300 миқёсда 120x120 катакчалар белгиланган. Бланкада ҳар 100 км масофада айланалар ўтказилган. Ф-2 шаклли карта-бланкасидаги яқин зона Ф-1 шаклли карта-бланкасидаги яқин зонага айнан ўхшаш.

4.2. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда узок зонадаги мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси

Узок зонада (узоқлиги 30 км дан 300 км гача) булутлар ва ёғин- сочинларнинг асосий муддатлардаги радиолокацион кузатувлар натижаси радиолокация ахборотларини метеорологик таҳлил этиш учун зарур бўладиган қуйида санаб ўтилган мажмуаларнинг олинишини таъминлаши керак:

- радиоэхонинг доирали обзор индикаторида 300 км радиусдаги горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири, M:300 км;
- икки вақтдаги (кузатув бошланиши ва тугаши), радиолокатор станция антеннасининг баландлик бурчаги $\epsilon = 0,2 \div 1^\circ$ бўлганда доирали обзор индикатор марказига чеккаси яқинроқ жойлашган радиоэхо ҳолати (радиоэхо зонасини тезлиги ва сижиш йўналишини аниқлаш учун);
- доирали обзор индикаторида 90 км радиусда, радиолокатор станция антеннасининг баландлик бурчаги $\epsilon = 0,2 \div 1^\circ$ остида, H_1 сатҳда (ёғин-соин зонасини аниқлаш учун), M:300 км агар $lgZ \geq 0$ бўлганда радиоэхонинг горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири;
- ўлчами 30x30 км бўлган M:300 км миқёсли бўшлиқнинг дискрет катакчаларини банд этган радиоэхонинг максимал баландлик катталиги;
- ўлчами 30x30 км бўлган бўшлиқнинг дискрет катакчаларини банд этган радиоэхо 300 км радиусда H_2 ва H_3 стандарт сатҳларда ва 90 км радиусда H_1 стандарт сатҳдаги қайтарувчанлик lgZ нинг максимал қиймати.

4.2.1. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда Ф-1 бланкага узок зонадаги бошлангич маълумотларни тушириш

Бу карта-бланкага қўйидагилар туширилади:

- узлуксиз чизиқ билан радиоэхо баландлиги H ва қайтарувчанлик lgZ ҳақидаги ахборотлар мавжуд бўлган бўшлиқнинг барча катакчалари бўйича радиоэхонинг ташқи контури ўтказилади, бир турдаги радиоэхо банд этган кўшимча зона ажратилади, бунда доирали обзор индикатор марказига

яқинроқ жойлашған радиоэхо чеккасими ўта синчковлик билан тушириш талаб этилади, чунки айрим ҳолларда у бўйича радиоэхо зонасининг тезлиги ва силжиш йўналиши аниқланади;

- узук-узук чизик билан қайтарувчанлик логарифмининг ўлчанганинг қийматига $lgZ_1 \geq 0$ мос бўлган ёғин-сочин зона радиоэхо контури ўтказилади;
- рақамлар билан ҳар бир катақчанинг чап ярмида радиэхонинг максимал баландлик H қиймати ёзилади;
- радиоэхо қайд этилган ҳар бир катақчада H_3 , H_2 ва H_1 стандарт сатҳдаги қайтарувчанлик lgZ нинг максимал қиймати ёзилади. Агар қайси бир сатҳда радиоэхо кузатилмаса тире (-) қўйилади;
- контурга олинган радиоэхо хусусиятини – сўз билан «яхлитсиз қатламсимон», «конвектив» ва ҳоказолар ёзилади;
- ажратилган қатламсимон радиоэхо фонида конвектив радиоэхо зона ҳолати крестча белги ёки контур билан белгиланади.

4.2.2. Йилнинг илиқ даврида асосий муддатларда Ф–2 бланкага узоқ зонадаги бошланғич маълумотларни тушириш

Бу карта-бланкага қўйидагилар туширилади:

- узлуксиз чизик билан булут радиоэхоси эгаллаган максимал майдон контури ўтказилади. Агар булутлик тизими ёмғирли қатлам булутлари билан биргаликда бўлса, у ҳолда ташқи контур йирик пункттир чизиқлари билан белгиланиши мумкин;
- майда пункттир чизик билан радиолокаторда кўринадиган ёғин-сочин зонаси, яъни Ер сиртигача етиб борадиган ва H_1 стандарт сатҳга тенг ёки ундан кам баландликда lgZ нинг маълум қиймати ортадиган радиоэхо майдон контури ўтказилади;
- ҳарфлар билан радиоэхо зоналари бир турли бўлган А ёки С, А–N, С–А–N ва каби булутлик майдони турлари белгиланади;
- қайтарувчанлик характеристи (ΔZ) ва булутлик радиоэхо майдонининг (ΔS) ўзгариши ортса «+», камайса «-» ва унинг қиймати ўзгаришсиз қолса «0» белгиси қўйилади. Радиоэхо хусусиятининг ўзгаришини қисқача ифодалаш учун ҳар доим икки ҳарфдан фойдаланилади: биринчиси, қайтарувчанлик характеристи Z ўзгаришини, иккинчиси, радиоэхо майдони S ўзгаришини аниқлайди. Ушбу белгилар булутлик майдони номланишининг ёнида қўйилади. Масалан, ($Z+$, $S+$) ёки ($Z+$, $S-$), ёки ($Z+$, $S0$) ва шунга ўхшаш;
- радиоэхо зонасининг силжиш йўналиши стрелка билан, силжиш тезлиги f (км/с) рақамларда ифодаланиб, стрелка устида 5 км соатгача аниқликда, йўналиши d эса градусларда 10° гача аниқликда ёзилади. Агар f ва d ларнинг қийматлари 3 км дан юқори баландликларда ўлчанган бўлса, у ҳолда ўша ўлчанган баландлик кўрсатилади. Масалан, $H=5$ км баландликда силжиш тезлиги $f=30$, йўналиши $d=200^\circ$;

- таркибида конвектив булутлар бўлмаган булутлик тизими учун радиоэхо контури ёнида булутлар тури, (ёки булутлик тизимининг тури), максимал ва кўпроқ кузатиладиган баландлик, ҳодиса тури, унинг узоқ ва яқин зоналарда ўлчанганд жадаллиги ёзиб қўйилади. Масалан, $C - A - 9 - 6$:₂ (Z_0, S_0). Бу ёзув қўйидагиларни англатади: юқори ва ўрта қатлам булутлар тизими, шунингдек, ёмғирли қатлам булути, унинг максимал радиоэхо баландлиги 9 км ва кўпроқ кузатиладиган баландлиги 6 км, ундан ёғаётган буркама ёмғир, қайтарувчанлик характеристири ва радиоэхо майдонининг сўнгги кузатув вақт оралиғида ўзгармаганлигини билдиради.

Қатламсимон ва тўп-тўпсимон булутлар радиоэхоси учун булутлик тизими тури ёнида факат қатламсимон булутларни хусусиятлайдиган максимал ва кўпроқ кузатиладиган баландлик, унинг узоқ ва яқин зоналарда кузатилганлиги кўрсатилади. Улар дарҳол булутлик тизими туридан кейин ёзиб қўйилади.

Барча қўшимча маълумотлар метеорологик радиолокатор оператори томонидан бланккартанинг пастида ўнг томонда берилади.

4.3. Яқин зонадаги мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси

Яқин зонада (узоқлиги 30 км гача) булутларни радиолокацион кузатувлар йил мавсумидан қатъий назар радиолокация ахборотларининг қўйидаги мажмуаларни олишини таъминлаши керак:

- «узоқлик – баландлик» (ИДВ) индикаторида синоптик топшириғига биноан ёки оператор томонидан танланган азимутларда радиоэхонинг верикал кесим сифатий тасвири;
- булат радиоэхосининг пастки ва юқори чегараларининг баландлиги;
- қайтарувчанликнинг lgZ максимал қиймати ва унинг ҳолати;
- қайтарувчанлик логарифми lgZ радиоэхосининг H_1, H_2 ва H_3 сатҳлардаги қиймати;
- икки вақт моментидаги (кузатув бошланиши ва тугаши) радиолокатор станция антеннасининг баландлик бурчаги $\varepsilon = 0,2 \div 1^\circ$ бўлганда «узоқлик – баландлик» индикатор марказига чеккаси яқинроқ жойлашган радиоэхо ҳолати.

4.3.1. Яқин зонадаги бошланғич маълумотларни Ф–1 бланкага тушириш

Яқин зонада ҳар бир азимутда қўйидаги маълумотлар туширилади:

- кузатув ўтказилган азимут, градусларда;
- «узоқлик – баландлик» индикаторидаги сифатий тасвирига мос тушадиган радиоэхонинг 20/40 км миқёсда олинган ташки контури (узлуксиз чизиқ билан);

- барча буутлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами юқори чегарасининг баландлиги ($H_{\text{в.г.}}$), километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг юқори $H_{\text{в.г.}}$ қиймати ўлчанган контур нуқтасида крестча белги билан белгиланади;
- барча буутлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами пастки чегарасининг баландлиги ($H_{\text{н.г.}}$), километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг пастки $H_{\text{н.г.}}$ қиймати ўлчанган контур нуқтасида крестча белги билан белгиланади;
- қайтарувчанликнинг $\lg Z$ максимал қиймати ва унинг ҳолати (кatta $\lg Z$ қийматга эга бўлган ҳолатидаги нуқтани крестча белги билан белгилаш тавсия этилади), конвектив радиоэхо учун эса $\lg Z$ нинг H_2 ва H_3 сатҳлардаги қиймати.

4.3.2. Яқин зонадаги бошланғич маълумотларни Ф–2 бланкада тасвирилаш

- Яқин зона карта-бланкасининг ҳар бир қисми қуидагида белгиланади:
- кузатув ўтказилган азимут 1° градусгача аниқлиқда;
 - узлуксиз чизик билан «узоқлик – баландлик» индикаторидаги сифатий тасвирига мос тушадиган радиоэхонинг 20/40 км миқёсда олинган ташқи контури;
 - крестча билан радиоэхо қатлами юқори ва пастки чегараларининг баландлиги ва қайтарувчанлиги ўлчанган нуқта;
 - максимал қайтарувчанлик зонасини қорайтириш;
 - лотин ҳарфлари билан радиоэхо олинган A, C, S, N, Q буутлик турлари;
 - каср чизик билан буутлик туридан кейин километрнинг ўндан бир аниқлигигача ўлчанган радиоэхо баландлиги. Бунда каср чизигининг суратида радиоэхо юқори чегарасининг ва маҳражида пастки чегарасининг баландлиги кўрсатилади;
- \blacktriangleleft , \nwarrow , \nwarrow), (\nwarrow) , ∇ , : белгилар билан ҳодисалар, ёғинлар белгиланади;
- рақамлар билан ёғин-сочин белгисининг ўнг томони пастида ёғин-сочин жадаллиги;
 - рақамлар билан ҳодисалар белгисининг ўнг томони юқорисида ҳодисалар жадаллиги.

4.4. Йилнинг илиқ даврида ҳар соатлик муддатларда мажбурий бошланғич маълумотлар мажмуаси

Ҳар соатлик кузатувдан асосий мақсад – радиоэхо банд этган майдон ва қайтарувчанлик характерининг ўзгариш тенденциясини, шунингдек, силжиш тезлиги ва йўналишини баҳолашдир.

Хар соатли муддатда қуидаги маълумотларни олиш зарур:

- радиоэхо майдонининг 300 км радиусдаги баландлиги ҳақида;
- радиоэхонинг 300 км радиусдаги турлари ҳақида;
- радиоэхо майдони ва қайтарувчанлик характерини 150–180 км радиусдаги ўзгариши ҳақида;
- силжиш тезлиги ва йўналиши ҳақида;
- яқин зонада булутлик тури ва унинг чегараси ҳақида.

4.4.1. Йилнинг илиқ даврида хар соатлик муддатларда Ф–1 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш

Бу карта-бланкага қуидагилар туширилади:

- координаталик тўр (сетка) чизилган андазадан (шаблон) бир хил турга эга бўлган радиоэхони узлуксиз чизиқ билан ўраб олинади, бунда ҳар бир радиоэхо тури $\epsilon = \epsilon_{\text{опт}}$ учун олинган;
- радиоэхонинг 300 км радиусдаги километрларда ўлчанган максимал баландлик қиймати, рақамлар катақчанинг чап ярим қисмида ёзилади;
- қайтарувчанликнинг $1gZ$ қиймати, рақамлар катақчанинг ўнг ярим қисмида ёзилади;
- радиоэхо тури қабул қилинган атамалари бўйича сўз билан ёзилади;
- яқин зонада контур ва булутлик чегарасидаги H ва $1gZ$;
- қайтарувчанлик характери ва шу кабилар.

4.4.2. Йилнинг илиқ даврида хар соатлик муддатларда Ф–2 бланкага бошланғич ахборотларни тасвирлаш

Бу карта-бланкага қуидагилар туширилади:

- узлуксиз чизиқ билан бир хил турга эга бўлган радиоэхо контури ўтказилади;
- бир хил турга эга бўлган радиоэхо контури ёнида булутлар тури, (ёки булутлик тизимининг тури) ёзилади;
- булутлар тури ёнида радиоэхо қатлами юқори чегарасининг максимал ва кўпроқ кузатиладиган баландлиги ёзилади, айни пайтда қатламсимон булутлар радиоэхоси баландлиги кўрсатилади;
- қайтарувчанлик характери (ΔZ) ва булутлик радиоэхо майдонининг (ΔS) ўзгариши кўрсатилади; агар бу параметрлар ортса «+», камайса «–» ва унинг қиймати ўзгаришсиз қолса «0» белгиси қуйилади;
- радиоэхо зонасининг силжиш йўналиши стрелка билан, силжиш тезлиги f (км/с) рақамларда ифодаланади;
- яқин зонада асосий муддатларда кўрсатилган ҳажмдаги ахборотлар қайд этилади.

Хар соатлик кузатув муддатларида агар узоқ зонада радиоэхо қайд этилмаса, яқин зонада эса факат қатламсимон булутлар радиоэхоси кузатилса, у ҳолда Ф–1 ва Ф–2 бланкаларни тўлдириш шарт эмас, барча

маълумотларни кузатув журналига ёзиб қўйиш ва авиация метеорологияси станциясидаги навбатчи синоптика оғзаки ахборот бериш тасвия этилади.

4.5. Йилнинг совуқ даврида асосий ва ҳар соатли муддатларда мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси

Йилнинг совуқ даври деб метеорологик радиолокаторнинг обзор (кўриш) радиусида ҳаво ҳарорати -2°C даражадан паст бўлган давр саналади.

Радиолокация ахборотларининг қуида санаб ўтилган мажмуалари олиниши талаб этилади:

- радиоэхонинг доирали обзор индикаторида 300 км радиусдаги горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири, $M:300$ км;
- доирали обзор индикаторида 90 км радиусда, радиолокатор станция антеннасининг баландлик бурчаги $\varepsilon = 0,2 \div 1^{\circ}$ остида, H_1 сатҳда ёки ундан пастда (ёғин-сочин зонасини аниқлаш учун) радиоэхонинг горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири, агар қайтарувчанлик $1gZ_1 \geq -0,3$ бўлганда;
- икки вақт моментидаги (кузатув бошланиши ва тугаши), радиолокатор станция антеннасининг баландлик бурчаги $\varepsilon = 0,2 \div 1^{\circ}$ бўлганда доирали обзор индикатор марказига чеккаси яқинроқ жойлашган радиоэхо ҳолати (радиоэхо зонасини тезлиги ва сижиш йўналишини аниқлаш учун);
- $M:300$ км миқёсли бўшлиқнинг дискрет катақчаларини банд этган радиоэхонинг максимал баландлик катталиги;
- ўлчами 30×30 км бўлган бўшлиқнинг дискрет катақчаларини банд этган радиоэхо 300 км радиусда H_1 стандарт сатҳдаги қайтарувчанлик $1gZ$ қиймати;
- яқин зонада булутлар тури, булут чегарасининг баландлиги, ёғин-сочин тури ва жадаллиги.

4.5.1. Йилнинг совуқ даврида Ф–1 ва Ф–2 бланкаларга бошлангич маълумотларни тушириш

Йилнинг совуқ даврида Ф–1 бланкасига маълумотлар 4.5 параграфда кўрсатилган талабларга биноан туширилади ва қуидагилар тасвирланади:

- кузатув ўтказилган азимут, градусларда;
- «узоқлик – баландлик» индикаторидаги сифатий тасвирига мос тушадиган радиоэхонинг 20/40 км миқёсда олинган ташқи контури (узлуксиз чизик билан);

- барча буултлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами юқори чегарасининг баландлиги ($H_{в.г}$) километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг юқори $H_{в.г}$ қиймати ўлчанган контур нуқтасида крестча белги билан белгиланади;

- барча буултлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами пастки чегарасининг баландлиги ($H_{н.г}$), километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг пастки $H_{н.г}$ қиймати ўлчанган контур нуқтасида крестча билан белгиланади;

- қайтарувчанликнинг lgZ максимал қиймати ва унинг ҳолати (кatta lgZ қийматга эга бўлган ҳолатидаги нуқтани крестча белги билан белгилаш тавсия этилади), конвектив радиоэхо учун эса lgZ нинг H_2 ва H_3 сатҳлардаги қиймати.

Ф–2 бланкасиға қуйидаги маълумотлар туширилади:

- узлуксиз чизиқ билан булат радиоэхоси эгаллаган майдон контури ўтказилади;

- пунктир чизиқ билан радиолокаторда кўринадиган ёғин-сочин зонаси, яъни Ер сиртигача етиб борадиган ва қайтарувчанлиги $lgZ_1 \geq -0,3$ бўлган радиоэхо майдон контури ўтказилади;

- ҳарфлар билан радиоэхо зоналари бир турли бўлган А ёки С, А–Н, А–N–Q ва шунга ўхшаш буултлик тизим турлари белгиланади;

- қайтарувчанлик характеристи (ΔZ) ва буултлик радиоэхо майдонининг (ΔS) ўзгариши ортса «+», камайса «–» ва унинг қиймати ўзгаришсиз қолса «0» белгиси қўйилади;

- радиоэхо зонасининг силжиш йўналиши стрелка билан, силжиш тезлиги f (км/с) ракамларда ифодаланиб, стрелка устида 5 км соатгача аниқликда, йўналиши d эса градусларда 10° гача аниқликда ёзилади.;

(∇) — момақалдироқли Св белгиси;

$^*\nabla$ — 90 км радиусдаги жала ёғин белгиси;

$^*\nabla)$ — 90 км радиусдан ташқаридаги жала ёғин белгиси;

$(^*\nabla)$ — чамалаб кузатилган билан мос тушиш эҳтимоли жуда кичик бўлган жала ёғин белгиси (30–70 %).

Ушбу белгилар узоқ зонанинг ҳар бир катақчасига қўйилади.

* — белги билан 90 км радиусдаги қатламсимон буултлардан ёғаётган ёғин қайд этилади;

*) — белги билан 90 км радиусдан ташқаридаги қатламсимон буултлардан ёғаётган ёғин қайд этилади.

Ушбу белгилар ҳам узоқ зонанинг ҳар бир катақчасига қўйилади.

Яқин зонада ахборотларни қайд этиш айнан илиқ даврдаги усулга ўхшаш бажарилади.

4.6. Йилнинг ўтиш даврида асосий ва ҳар соатли муддатлардаги мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси

Йилнинг ўтиш даври деб радиолокация кузатув мавсумида нол даражали изотерма баландлиги 1 км ёки ундан пастроқда жойлашган, метеорологик радиолокаторнинг обзор (кўриш) радиусидаги ҳаво ҳарорати эса, -2 дан $+ 10^{\circ}\text{C}$ даражасида бўлганда саналади. Агар аэрологик зондлаш маълумотлари бўйича бир неча нол даражали изотерма кузатилса, у ҳолда улардан баландлиги энг пастроғи олинади.

Ўтиш даврида Ф–1 бланкасига маълумотлар юқорида кўрсатилган талабларга биноан туширилади ва қуидагилар тасвиранади:

- кузатув ўтказилган азимут, градусларда;
- «узоқлик – баландлик» индикаторидаги сифатий тасвирига мос тушадиган радиоэхонинг 20/40 км миқёсда олинган ташқи контури (узлуксиз чизик билан);
- барча булутлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами юқори чегарасининг баландлиги ($H_{\text{в.г.}}$), километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг юқори $H_{\text{в.г.}}$ қиймати ўлчангандай контур нуқтасида крестча белги билан белгиланади;
- барча булутлар учун ҳар бир радиоэхо қатлами пастки чегарасининг баландлиги ($H_{\text{н.г.}}$), километрнинг ўндан бир аниқлигигача. Бунда ҳар бир радиоэхо қатламида энг пастки $H_{\text{н.г.}}$ қиймати ўлчангандай контур нуқтасида крестча билан белгиланади;
- қайтарувчанликнинг $\lg Z$ максимал қиймати ва унинг ҳолати (катта $\lg Z$ қийматга эга бўлган ҳолатидаги нуқтани крестча билан белгилаш тавсия этилади), конвектив радиоэхо учун эса, $\lg Z$ нинг H_2 ва H_3 сатҳлардаги қиймати.

Ф–2 бланкасига қуидаги маълумотлар туширилади:

- (\nwarrow) — момақалдирикли Сб белгиси;
- ($\dot{*}$) — ёмғир билан биргаликдаги жала қор белгиси;
- ($\dot{*}$) — чамалаб кузатилган билан мос тушиш эҳтимоли жуда кичик бўлган аралаш ёғин белгиси (30–70 %).

Агар операторга қаттиқ ёки хўл ёғин турини ва унинг жадаллигини аниқлаш қийинчилик туғдирса, у ҳолда «ёғин» сўзи ишлатади.

4.7. Йилнинг илиқ даврида штормогоҳлантириш режимида мажбурий бошлангич маълумотлар мажмуаси

Штормогоҳлантириш режимида маълумотларни таҳлил этиш учун қуидаги амалларни бажарилиши зарур:

- «узоқлик – баландлик» (ИДВ) индикаторида шторм хавфи мавжуд азимутларда радиоэхонинг вертикал кесимининг сифатий тасвири,

радиоэхонинг максимал баландлиги, икки сатҳлардаги $\lg Z_{2,3} = (\lg Z_{2,3})_{\min R}$ қийматигача қайтарувчанлик, шунингдек, ҳар бир азимутдаги конвектив булатларнинг максимал қайтарувчанлик зона ҳолати ва ундағи максимал қайтарувчанлик қиймати;

- радиоэхонинг доирали обзор индикаторида 300 км радиусдаги горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири;
- радиуси 180 км даги ўлчами 30x30 км бўлган қатакчалар бўйича конвектив булатлар радиоэхосининг максимал баландлиги ва қайтарувчанлиги $\lg Z_{2,3} \geq (\lg Z_{2,3})_{\min R}$ ҳақидаги маълумотлар;
- булатлик тизими ва алоҳида конвектив булатлардаги радиоэхонинг силжиш тезлиги ва йўналиши;
- булатлик майдони ва алоҳида конвектив булатлар ўчоғи эволюцияси радиолокацион хусусиятларининг ўзгариш тенденцияси ёки кузатиб борилаётган бир неча ўчоғдан иборат гурӯҳ радиолокацион хусусиятларининг ўзгариш тенденцияси.

4.7.1. Йилнинг илиқ даврида штормогоҳлантириш режимида Ф–1 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш

Йилнинг илиқ даврида штормогоҳлантириш режимида Ф–1 бланкасида куйидагилар тасвириланади:

- доирали обзор индикаторида 300 км радиусда (M:300 км) радиолокатор станция антеннасининг баландлигига мос келувчи оптимал бурчак остида кузатилаётган энг катта майдондаги радиоэхонинг горизонтал тақсимланиш сифатий тасвири;
- 180 км радиусдаги конвектив булатлар зона ҳолати крестча билан белгиланади, қатламсимон ва тўп-тўпсимон булатлар радиоэхоси мавжуд бўлганда эса, контурга олинади;
- йилнинг илиқ даврида 90 км радиусдаги конвектив радиоэхо $\lg Z$ қайтарувчанликнинг максимал қиймати ($\lg Z_{2,3} = (\lg Z_{2,3})_{\min R}$ дан бошлаб H_2 ва H_3 сатҳларда ва ($\lg Z_1 = 2,8$ дан бошлаб $H_1 = 1$ км));
- ўлчами 30x30 км бўлган бўшлиқнинг дискрет қатакчаларини банд этган тўп-тўпсимон булатлар радиоэхосининг максимал баландлик катталиги, бунда қайтарувчанлик $\lg Z_{2,3} \geq (\lg Z_{2,3})_{\min R}$ ёки радиоэхо кузатилган бўшлиқнинг барча қатакчаларидаги максимал радиоэхо баландлиги;
- бланк жадвалида кўзда тутилган бошқа маълумотлар.

4.7.2. Йилнинг илиқ даврида штормогоҳлантириш режимида Ф–2 бланкага бошланғич маълумотларни тушириш

Штормогоҳлантириш режимида радиоэхо баландлиги ва қайтарувчанлиги 180 км радиусдаги зонада аниқланади.

Йилнинг илиқ даврида штормогоҳлантириш режимида Ф–2 бланкасида куйидагилар туширилади:


- 300 км радиусдаги зонада радиоэхонинг ташқи контури ($\varepsilon = \varepsilon_{\text{опт}}$ учун);
- 180 км радиусдаги конвектив радиоэхоли катакчалардаги радиоэхо баландлигининг қиймати, бунда $\lg Z_{2,3} \geq (\lg Z_{2,3})_{\text{минR}}$, $\lg Z_1 \geq 2,8$ (катакчанинг чап ярмида);


\blacktriangleleft , \blacktriangleright , $\blacktriangleleft\blacktriangleright$, $\blacktriangleright\blacktriangleleft$, \blacktriangledown , $\blacktriangleright\blacktriangledown$, $\blacktriangledown\blacktriangleright$: белгилар билан ҳодисалар, ёғинлар белгиланади;


- рақамлар билан ҳодисалар белгисининг ўнг томонида ҳодисалар (ёғин-сочин) жадаллиги;
- радиоэхо зонасининг силжиш йўналиши стрелка билан, силжиш тезлиги f (км/с) рақамларда ифодаланиб, стрелка устида 5 км соатгача аниқликда, йўналиши d эса, градусларда 10° гача аниқликда ёзилади;
- қайтарувчанлик характеристи (ΔZ) ва булутлик радиоэхо майдонининг (ΔS) ўзгариши ортса «+», камайса «-» ва унинг қиймати ўзгаришсиз қолса «0» белгиси қуйилади;
- булутлар тури, юкори ва пастки чегара баландлиги, ҳодисалар яқин зонада мос белгилар билан ифодаланади.

Метеорологик радиолокатордан олинган ахборотларни оператор маҳсус бланкага туширади. Маҳсус бланка икки қисмдан иборат: узоқ (4.3-расм) ва яқин (4.4-расм) зона.


Ўзбекистон Республикасида аксарият метеорологик радиолокатор станциялари жойлаштирилган станцияларда автоматлиштирилган МЕРКОМ тизими ўрнатилган. Бу тизим булутлар ва у билан боғлиқ хавфли ҳодисалар жойлашган ҳудудларни, булутлар баландлиги, момақалдироқ-дўлли жараёнлар ҳақидаги барча параметрларни, уларнинг ривожланиб бориш жараёнини узлуксиз равишда кузатиб бориш имконини беради. Шунингдек, станциядан 300 км радиусга эга бўлган майдондаги тасвирни электрон ҳисоблаш машинасининг экранига чиқариб беради (4.5 ва 4.6-расмлар).







4.5-расм.
Метеорологик
радиолокатор
НИИГ ЯКИН
Зона картиаси.



4.6-расм.
Метеорологик
радиолокатор
НИНГ ЯКИН
Зона картаси.

V боб. РАДИОЛОКАЦИОН МЕТЕОРОЛОГИК АХБОРОТЛАРНИ ТАРҚАТИШ

5.1. RADOB коди

Радиолокация кузатув натижаларини кодлаш ва алоқа каналлари бўйича ахборотларни узатиш учун махсус FM 20-VIII RADOB коддан фойдаланилади. Код икки қисмдан иборат: *A* қисми тропик циклонлар ҳақидаги маълумотларни узатиш учун мўлжалланган, шу сабабли уни мұтадил кенгликларда деярли ишлатилмайди. *B* қисми эса булутлар ва у билан боғлиқ ҳодисаларни узатиш учун мўлжалланган. *A* қисми бир бўлимдан иборат, *B* қисми эса уч бўлимдан (халқаро, регионал ва миллий) ва метеорологик радиолокаторнинг яқин зонасида кузатилган маълумотларни алоҳида телеграммасидан иборат. Маълумотларни кодлаш барча кузатув натижаларини ишлов бергандан кейин бажарилади.

Стандарт вақтларда (синоптик кузатув вақтлари) олинган барча кузатув ахборотлари кодланади. Оралиқ вақтларда кузатилиб олинган маълумотлардан фақат ҳавфли ҳодисалар, яъни момақалдироқ, дўл, қасирға (шамол тезлиги 20 м/сониядан кўпроқ), жала ($I > 25$ мм/соат, $\lg Z_1 \geq 2,8$), қор ёғиши ($I \geq 1,1$ мм/соат, $\lg Z_1 \geq 1,2$) ҳақидаги маълумотлар кодланади. Барча телеграммаларда кузатув тугаш пайтида Гринвич вақти кўрсатилади.

Код бошланишида ахборотлар турини танитадиган гурух $M_iM_jM_k$ кўринишида берилади. Бунда биринчи икки ҳарф ахборотлар қаердан юборилаётганлигини (куруклик ёки кема) билдиради. Агар ахборотлар курукликдаги метеорологик радиолокаторлардан юборилаётган бўлса, у ҳолда коднинг биринчи икки ҳарфи FF ёки кемада ўрнатилган метеорологик радиолокаторлардан юборилаётган бўлса, у ҳолда GG деб белгиланади. Коднинг кейинги икки ҳарфи эса BB деб белгиланади. Биринчи гурухдан кейин ушбу гурухлар YYGG_g Шii (99L_aL_aQ_cL_oL_oL_o) давом этади. Бунда, кузатиш муддати (YY – ой қуни, GG_g – ўртача гринвич вақти) ва станция индекслари (ёки метеорологик радиолокатор ўрнатилган кеманинг координаталари) ҳақидаги маълумотлар берилади. Бу гурухлардан кейин метеорологик радиолокатор доирали обзоридан олинган булутлар ва у билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни кодлаш учун мўлжалланган N_eN_eW_RH_eI_e гурух келади. Бу гурухда N_eN_e – 60x60 квадратли тўрнинг (сетка) номери, W_R – об-ҳаво ҳодисаси, H_e – берилган ушбу квадратдаги радиоэхо юқори чегарасининг максималь баландлиги, I_e – квадратдаги ҳодисанинг максимал радиолокация қайтарувчанлигини билдиради.

5.2. Код тизими

A ҚИСМ

**M_iM_iM_jM_j YYGGg { Пiii ёки 99L_aL_aL_a Q_cL_oL_oL_oL_o}
4R_wL_aL_aL_a Q_cL_oL_oL_oL_o A_cS_cW_ca_cr_t t_ed_sd_sf_sf_s (DDDD)}**

B ҚИСМ

1 БҮЛИМ

**M_iM_iM_jM_j YYGGg { Пiii ёки 99L_aL_aL_a Q_cL_oL_oL_oL_o}
N_eN_eW_RH_eI_e N_eN_eW_RH_eI_e N_eN_eW_RH_eI_e /555/ N_eN_ea_eD_ef_e N_eN_ea_eD_ef_e**

2 БҮЛИМ

51515 – бу код гурухи Регионал ассоциация томонидан ишлаб чиқилади.

3 БҮЛИМ

Бу бўлимда метеорологик радиолокаторнинг яқин зонасида кузатилган маълумотлар киритилади.

**M_iM_iM_jM_j YYGGg Пiii 61616 pdFUU C_rC_rh_rh_r H_rH_rH_rW_RI_e
C_rC_rh_rh_r H_rH_rH_rW_RI_e (DDDD)**

5.3. Рақам ва ҳарфларда ифодаланган белгилар маъноси

A ҚИСМ

1.1. M_iM_iM_jM_j гурухи

M_iM_iM_jM_j – ахборот турини танитадиган гурух, яъни:

M_iM_i – {FF қуруқликдаги, GG кемадаги метеорологик радиолокатор станцияларидан маълумот бериш учун}.

M_jM_j – AA тропик циклонлар ҳақида маълумот бериш учун.

1.2. YYGGg гурухи

YY – ой куни.

GGg – ўртacha гривич вақти билан кузатув ўтказилган вақт, соатларда ва соатнинг ўндан бир аниқлигига.

1.3. Пiii гурухи

П – метеорологик радиолокатор жойлашган регион номери.

iii – маълум регионда жойлашган метеорологик станциянинг халқаро индекс номери. Ҳар бир метеорологик радиолокаторга унга яқинроқ жойлашган метеорологик станция рақами берилади.

1.4. $99L_aL_aL_a Q_cL_oL_oL_oL_o$ гуруҳи

99 – ажратувчи белги бўлиб, денгиз кемаларида ўрнатилган метеорологик радиолокаторда олиб борилган кузатув натижалари ҳақидаги маълумотларнинг кодланганлигини кўрсатади.

$L_aL_aL_a$ – кузатув вақтида кема турган жойнинг кенглиги градуснинг ўндан бир аниқликдаги қийматини билдиради. Градуснинг ўндан бир қисми дақиқа сонини 6 га бўлиб аниқланади, бунда қолдиқ инобатга олинмайди.

Q_c – Ер шарининг квадранти; 5.1 жадвал бўйича кодланади.

5.1 жадвал

Код рақами	Узунлик
	Шимолий ярим шар
1	0–180° шарқий узунлик
7	0–180° ғарбий узунлик
	Жанубий ярим шар
3	0–180° шарқий узунлик
5	0–180° ғарбий узунлик

$L_oL_oL_oL_o$ – кузатув вақтида кема турган жойнинг узунлиги градуснинг ўндан бир аниқликдаги қийматини билдиради. Градуснинг ўндан бир қисми дақиқа сонини 6 га бўлиб аниқланади, бунда қолдиқ инобатга олинмайди.

1.5. $4R_wL_aL_aL_a$ гуруҳи

4 – ажратувчи рақам бўлиб, бундан кейин тропик циклонлар ҳақидаги маълумотлар кодланганлигини билдиради.

R_w – радиолокаторнинг тўлқин узунлиги; 5.2 жадвал бўйича кодланади.

$L_aL_aL_a$ – тропик циклонлар маркази ёки «бўрон кўзи» кузатилаётган жой кенглиги, градуснинг ўндан бир аниқликдаги қийматида берилади.

1.6. $Q_cL_oL_oL_oL_o$ гуруҳи

Q_c – Ер шарининг квадранти; 5.1 жадвал бўйича кодланади.

$L_oL_oL_oL_o$ – тропик циклонлар маркази ёки «бўрон кўзи» кузатилаётган жой узунлиги, градуснинг ўндан бир аниқликдаги қийматида берилади.

5.2 жадвал

Код рақами	Тұлқин узунлиги, см	
	дан	гача
1	1	1,9
3	2	3,9
5	4	5,9
7	6	8,9
8	9	10,9
9	11 ва ундан каттароқ	

1.7. $A_c S_c W_c a_c r_t$ гурухи

A_c – тропик циклонлар маркази ёки «бўрон кўзи» кузатилаётган жойни аниқ топиш; 5.3 жадвал бўйича кодланади.

5.3 жадвал

Код рақами	Циклон маркази кузатилаётган жойни аниқ топиш
1	«Бўрон кўзи» радиолокатор экраныда кўриниш аниқлиги яхши (10 км чегарасида)
2	«Бўрон кўзи» радиолокатор экраныда кўриниш аниқлиги қониқарли (30 км чегарасида)
3	«Бўрон кўзи» радиолокатор экраныда кўриниш аниқлиги ёмон (50 км чегарасида)
4	Марказ ўрни радиолокатор экрани қамраб олиши мумкин бўлган чегарада, спираль планшет ёрдамида аниқланган; кўриниш аниқлиги яхши (10 км чегарасида)
5	Марказ ўрни радиолокатор экрани қамраб олиши мумкин бўлган чегарада, спираль планшет ёрдамида аниқланган; кўриниш аниқлиги қониқарли (30 км чегарасида)
6	Марказ ўрни радиолокатор экрани қамраб олиши мумкин бўлган чегарада, спираль планшет ёрдамида аниқланган; кўриниш аниқлиги ёмон (50 км чегарасида)
7	Марказ ўрни радиолокатор экрани қамраб олиши мумкин бўлган чегарадан ташқарида, спираль планшет ёрдамида экстраполяция қилинади
/	Аниқланмаган

S_c – «бўрон кўзи»нинг шакли ва хусусияти; 5.4 жадвал бўйича кодланади.

W_c – «бўрон кўзи»нинг диаметри ёки катта ўқининг узунлиги; 5.5 жадвал бўйича кодланади.

5.4 жадвал

Код рақами	«Бўрон кўзи»нинг шакли ва хусусияти
0	Айланма, яхши ифодаланган
1	Эллиптик, яхши ифодаланган; кичик ўқ узунлиги катта ўқининг узунлигидан $\frac{3}{4}$ нисбатидан кам эмас
2	Эллиптик, яхши ифодаланган; кичик ўқ узунлиги катта ўқининг узунлигидан $\frac{3}{4}$ нисбатдан кам
3	Иккита «бўрон кўзи» борга ўхшайди, шакли яхши ифодаланган
4	Бошқа шакллар
5	Ёмон ифодаланган
/	Аниқланмаган

5.5 жадвал

Код рақами	«Бўрон кўзи»нинг диаметри ёки катта ўқининг узунлиги, км	
	дан	гача
0	5 дан кичикроп	
1	5	9
2	10	14
3	15	19
4	20	24
5	25	29
6	30	34
7	35	39
8	40	49
9	50 ва ундан каттароқ	
/	Аниқланмаган	

a_c – телеграммада кўрсатилган қузатув вақтидан 30 дақиқа аввал «бўрон кўзи»нинг ўзгариш хусусияти; 5.6 жадвал бўйича кодланади.

r_t – спирал полосанинг энг узоқлашган учи билан циклон маркази орасидаги масофа; 5.7 жадвал бўйича кодланади.

1.8. $t_e d_s d_s f_s f_s$ гурухи

t_e – тропик циклон маркази ёки «бўрон кўзи»нинг ҳаракати (силжиши) хисобланган вақт интервали (оралиғи); 5.8 жадвал бўйича кодланади.

5.6 жадвал

Код рақами	«Бўрон кўзи»нинг ўзгариш хусусияти
0	«Бўрон кўзи» сўнгги 30 дақиқа ичидаги биринчи марта кўрина бошлади
1	«Бўрон кўзи»нинг хусусияти ёки ўлчамида ҳеч қанақа катта ўзгариш содир бўлмади
2	«Бўрон кўзи» кичиклашди; бошқа хусусиятларида катта ўзгариш бўлмаган
3	«Бўрон кўзи» катталашди; бошқа хусусиятларида катта ўзгариш бўлмаган
4	«Бўрон кўзи»нинг аниқлиги камайди; ўлчамида катта ўзгариш бўлмаган
5	«Бўрон кўзи»нинг аниқлиги камайди; ўлчами кичиклашди
